O'ZBEKISTON
INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2007 йил, **9** ноябрь, жума № **45** (2224).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **9** ноября, **2007** год, № **45** (2224).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу – цена договорная

Ўз ҳаётини армиясиз тасаввур этолмайдиган, ҳарбий хизматни шунчаки иш эмас, Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурч, деб биладиган мард жангчиларимизнинг оғир ва масъулиятли меҳнати муносиб тақдирланиши лозим.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

А.АТОЕВНИ "ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ" ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бокс бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиб, мардлик ва жасорат намунасини намоён этгани, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, ёш авлодни жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, ўзбек бокс мактаби анъаналарини янада юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Аббос Абдураззоқович Атоев "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2007 йил 8 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

О. МУҲАМЕДОВГА "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ" ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда оммавий спортни, хусусан, боксни тарғиб қилиш йўлидаги жонкуярлиги, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишдаги хизматлари, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юксак малакали боксчиларни тайёрлашга қўшган салмоқли ҳиссаси учун Бухоро вилояти Олимпия захиралари спорт мактабининг бокс бўйича мураббийси Олим Музафарович Муҳамедовга "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2007 йил 8 ноябрь.



Аблай КАМОЛОВ суратга олган.

Она юртин улуғлар марди майдонлар!

ЁШЛАР ВА САЙЛОВ МАДАНИЯТИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида улкан аҳамиятга эга муҳим сиёсий воқеа - шу йил 23 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида 16 миллион 297 минг нафардан зиёд сайловчи иштирок этиши кутилмоқда. Уларнинг муайян қисмини сайловларда илк бор овоз берадиган йигит-қизлар ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулуғбек Абдусаломов 8 ноябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида ана шундай сайловчиларнинг вакиллари билан учрашди.

Ушбу учрашувдан асосий мақсад ёшларнинг сайлов қонунчилиги ҳақидаги билимини ошириш ва уларнинг жамиятда кечаётган демократик ўзгаришлар жараёнида фуқаролик позициясини янада кучайтиришдан иборат.

Мамлакатимиз, халқимиз олдида турган олий мақсадларга эришиш, Ватанимиз келажаги, аввало, ёшларимизга, уларнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир. Бугун ёшлар республикамиз аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил қилади. Шу муносабат билан мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ юртимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини, жамият ва давлат қурилишида, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштирокини тўла таъминлаш борасида зарур ҳуқуқий асослар яратилди.

Конституциямизнинг 117-моддасига мувофиқ давлатимиз раҳбарини сайлашда ўн саккиз ёшга тўлган барча фуқаролар иштирок этиш ҳуқуқига эга. 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида 2 миллионга яқин йигит ва қиз бундай ҳуқуқдан илк бор фойдаланадилар. Шу муносабат билан, учрашувда таъкидланганидек, сайловчиларнинг, хусусан ёшларнинг сайлов тўғрисидаги билим даражасини ошириш масаласи Марказий сайлов комиссиясининг ҳамиша диққат-эътиборидадир. Оммавий ахборот воситаларида миллий сайлов қонунчилигининг мазмун-моҳияти, сайловни ўтказиш тартиби атрофлича тушунтирилмоқда, сайлов комиссияларининг иши кенг ёритилмоқда. Учрашувда истиқлол йилларида фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқларини амалга оширишлари учун Ўзбекистонда барча зарур шарт-шароитлар яратилгани таъкидланди. Сайлов - замонавий демократиянинг муҳим институтидир. У халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, сиёсий ҳаётда, давлатни бошқаришда ҳамда давлат ҳокимиятини шакллантиришда шахсан иштирок этишининг асосий воситасига айланиб бормоқда. Айнан шунинг учун ҳам бўлажак сиёсий тадбирнинг жамиятимиз сиёсий ҳаётида аҳамияти беқиёсдир.

Учрашувда Марказий сайлов комиссиясининг Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошираётган ишлари ҳақида сўз борди. Маълумки, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасига биноан мамлакатимизда сайлов мунтазам асосда фаолият кўрсатадиган Марказий сайлов комиссияси раҳбарлигида мустақил сайлов комиссиялари томонидан ташкил этилади ва ўтказилади. Комиссия фаолияти қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, мустақиллик ва адолат тамойилларига асосланади. Мақсад – сайлов тизимининг демократик принципларини амалга оширишга кўмаклашиш, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятини таъминлашдир.

Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси 21 сентябрдан эътиборан бошланишини эълон қилди. М.Абдусаломов Марказий сайлов комиссияси ҳаракат дастурида белгиланган ишларнинг ташкилий-тайёргарлик босқичи айни вақтда деярли якунига етгани ва эндиликда сайловолди кампаниясининг асосий тадбирлари босқичи бошланаётганига эътиборни қаратди. Мазкур Қонуннинг 9, 11 ва 15-моддаларига мувофиқ 14 та сайлов округи ва округ сайлов комиссиялари ҳамда 8 мингдан зиёд сайлов участкалари тузилди. Сайлов округларининг жойлашган манзили, сайловчилар сони кўрсатилган рўйхат матбуотда эълон қилинди. Ҳозирги кунда участка сайлов комиссияларининг таркибини шакллантириш жараёни давом этмоқда, уларнинг рўйхати ҳам матбуотда эълон қилинади.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 24²-моддасига асосан номзодлар кўрсатиш жараёни тугалланаяпти. Сайлов кампаниясининг навбатдаги босқичида Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқади. Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 25-моддасига асосан рўйхатга олинган номзодлар тўғрисидаги маълумотларни 23 ноябргача эълон қилади.

Шундан сўнг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддасига асосан сайловолди ташвиқоти бошланади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳига оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда, сайловолди ташвиқотини ўтказишда, сайловолди дастурлари билан чиқишда, уларни эълон қилишда тенг ҳуқуқ берилади.

Сайловнинг ошкора ва очиқ ўтишини таъминлаш Марказий сайлов комиссиясининг биринчи даражадаги вазифасидир. Сайлов комиссиялари мажлислари ва тадбирларининг барчаси оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилмоқда ва уларда кўриб чиқилаётган масалалар ҳақидаги ахборотлар сайловчиларга етказилмоқда. Марказий сайлов комиссиясининг матбуот маркази ва округ сайлов комиссияларининг матбуот хизматлари фаолият кўрсатмоқда.

Учрашув иштирокчиларига Марказий сайлов комиссияси билан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини тезкор ва тўла ёритишга оид битим имзолангани маълум қилинди. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси орқали бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнлари ҳақидаги хабарлар нафақат Ўзбекистон ҳудудига, балки сунъий йўлдош орқали юздан ортиқ хорижий давлатга ҳам узатилмоқда.

М.Абдусаломов қайд этганидек, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг миллий сайлов қонунчилигимиз ва халқаро андозалар асосида ўтиши учун барча зарур чораларни кўрмоқда. Шу мақсадда, жумладан, округ сайлов комиссияларининг раислари, котиблари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари учун илмий-амалий семинарлар ўтказилди.

Учрашув қизғин мулоқот руҳида ўтди. Марказий сайлов комиссияси раиси, жумладан, учрашув қатнашчиларининг сайлов тамойиллари, сайлов жараёнида ёшларнинг иштироки, сайлов куни овоз бериш шакли ва тартиби ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар даврида ўтаётган сайлов жараёнининг бошқа жиҳатлари тўғрисидаги кўплаб саволларига батафсил жавоб қайтарди.

– Учрашув менда жуда яхши таассурот қолдирди, – дейди ёш дастурловчи Равшан Муродов мулоқот тугаши билан берган интервьюсида. – Бугунги глобаллашув шароитида Ўзбекистон дунё ахборот жамиятига дадил кириб келди. Эндиликда ҳаётимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу тизимдан сайлов кампанияси жараёнларида самарали фойдаланилаётгани, хусусан, Марказий сайлов комиссияси вебсайтидан сайловга доир тегишли маълумотларни ўз вақтида ва ҳеч қандай қийинчиликларсиз олиш имконияти сайловчилар учун яратилган яна бир қулайликдир.

– Ушбу учрашув юртимизда ёшларга катта эътибор берилаётганлигининг яна бир тасдиғидир, – дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Малика Раҳмонбекова. – Мулоқот чоғида сайлов ёшлар учун демократия мактаби эканлиги, навқирон авлоднинг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини шакллантириш ва ривожлантиришда сайловларнинг аҳамияти катта эканлиги ҳақидаги тасаввурларим янада бойиди. Биз, ёшларнинг бурчимиз эл-юртимизнинг ғамхўрлиги ва эътиборига ҳар томонлама муносиб бўлишдан, Ватанимизнинг фаол, фидойи ва садоқатли фарзандлари бўлиб вояга етишдан иборат, деб ҳисоблайман.

Ҳа, мустақиллик йилларида мамлакатимизда истеъдодли, иродали, ўз олдига аниқ мақсадларни қўйган янги авлод вояга етмоқда. Ёшлар ўзларига билдирилаётган ишонч ва ғамхўрликни теран ҳис қилган ҳолда, халқимиз навқирон авлодга катта умид боғлаётганини яхши англайди. Улар бу ишончни аъло ўқиш, илмий-ижодий муваффақиятлар, халқимиз фаровонлиги, мамлакатимиз тараққиёти ва Ватанимизнинг ёруғ истиқболи йўлидаги фидокорона меҳнат билан оқлашга интилмоқда.

Ғулом МИРЗАЕВ,
ЎзА мухбири.



Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

СТРАТЕГИЯ ОБНОВЛЕНИЯ, ПРОГРЕССА И РОСТА БЛАГОСОСТОЯНИЯ

В докладе «Узбекистан: 16 лет независимого развития» Президент Ислам Каримов подчеркнул, что стратегия политического, экономического развития, государственного и общественного строительства определялась исходя из исторически сложившихся национальных и культурных особенностей нашего народа и трезвой оценки природно-экономического, минерально-сырьевого и человеческого потенциала страны, а также того достойного места, которое мы должны занять в системе мирохозяйственных связей.

(Продолжение на 8-й стр.).



Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

ТАН ОЛДИ КУРАШНИ ЖУМЛАИ ЖАҲОН

Бугун халқаро майдонда севимли спорт тури сифатида эътироф этилиб, спортга иштиёқманд инсонларни тобора ўзига ром этиб бораётган миллий курашимиз жуда қисқа вақт ичида мисли кўрилмаган даражада жаҳонда мавқеини юксалтира олди, десак янглишмаган бўламиз.

(Давоми 6-бетда).




Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ЭЛ СОҒЛИГИ – ЮРТ ҚУДРАТИ

Меҳр билан юрт обод, эл шод бўлади. Бундай ўлкада улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилади, янги режалар, орзу-ўйлар – эртанги куннинг истиқболи учун поёндоз тўшайди. Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасидаги ўзгаришларни кўриб қалбингиз қувончга тўлади. Бу ҳам бўлса, мустақиллигимиз, ҳурриятимиз шарофатидир. Эътибор берадиган бўлсак, мустақилликдан кейин иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар, ривожланиш ва янгиланишлар рўй берди. Мисол тариқасида биргина соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни, амалга оширилаётган ишларни олиб кўрайлик. Зотан, айнан мана шу ислоҳотлар моҳиятида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини оширишдек улкан эзгу мақсад ётибди.

(Давоми 8-бетда).



3 САФДА – ЁШ АСКАРЛАР

КАТТА ИШТИЁҚ БИЛАН



4 ДОЛЗАРБ МАВЗУ

МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИКДАН БАРЧА МАМНУН



10 ЭХО ВСЕМИРНЫХ ВОЕННЫХ ИГР

МЫ ЧЕСТВУЕМ НАШИХ ГЕРОЕВ



11 ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

КУРСАНТЛАР ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИДА

ИСТИҚБОЛЛИ ОДИМЛАР

ШҲТ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

Тошкентда 2 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Карим Масимов, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбари Вэнь Цзябао, Қирғизистон Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчи Алмазбек Атамбаев, Россия Федерацияси ҳукумати раиси Виктор Зубков ва Тожикистон Республикаси Бош вазири Оқил Оқиловнинг тор доирадаги учрашувидан бошланди. Музокарада ШҲТ Бош котиби Б.Нургалиев ва ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори М.Субанов ҳам иштирок этди.

Ўзаро ишонч ва ишчанлик руҳида ўтган мулоқот чоғида ШҲТ ўз тараққиётининг янги босқичига чиқаётгани, Бишкек саммитида имзоланган Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бунинг учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши таъкидланди. Ташкилотнинг халқаро нуфузи юксалиб, унга аъзо бўлиш истагини билдирган давлатлар сони ортиб бормоқда.

ШҲТ мамлакатлари ўртасида товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошмоқда. Хусусан, ўтган йили Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан савдоси 40 фоиз ўсди.

Қатнашчилар ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг сўнгги мажлисида ҳукуматлар олдига қўйилган вазифалар – ташкилот қамраган минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда, аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқаларни ривожлантиришда ҳамкорликка доир кенг кўламдаги масалаларни кўриб чиқдилар. Кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини амалга оширишнинг чора-тадбирлари юзасидан фикр алмашилди.

Хавфсизлик муаммолари, Афғонистонни тиклаш масалалари ШҲТнинг доимий эътиборида. Томонлар терроризм, экстремизм, айирмачилик, наркобизнес каби таҳдидларга қарши курашда ва ахборот хавфсизлигини таъминлашда ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар.

ШҲТ Бош котибининг Давлат раҳбарлари кенгаши ва ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ташкилот доирасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга оид қарорлари ижросининг бориши ҳақидаги ҳисоботи тингланди.

Ташқи савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар учун масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг жорий йил 24 октябрь куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган кенгашида Кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини амалиётга татбиқ этишга қаратилган муайян чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. 2007 йилнинг июнь ойида эса Москва шаҳрида ёқилғи-энергетика мажмуи учун масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг кенгаши ўтказилиб, ушбу соҳадаги ҳамкорликка оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Мажлисда нефть-газ конларини ўзлаштириш, ёқилғи-энергетика мажмуи инфратузилмаларини такомиллаштириш, шунингдек, юқори технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш муҳим ва долзарб вазифага айланиб бораётгани қайд қилинди. Шунингдек, машинасозлик, кимё саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, транспорт коммуникациялари каби соҳаларда ҳамкорлик учун кенг имкониятлар мавжуд.

Қатнашчилар ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши билан Банклараро бирлашмасининг ҳамкорлигини янада ривожлантириш, аъзо мамлакатлар ишбилармон ва молиявий доираларини йирик минтақавий сармоявий лойиҳалар ижросига кенгроқ жалб этиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари ва экспортга йўналтирилган секторларида, юқори технологиялар соҳасида ушбу икки тузилманинг ҳамкорлиги ривожланмоқда.

Кенгашнинг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида ШҲТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлик масалаларининг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Музокаранинг бу қисмида кузатувчи давлатлар вакиллари – Ҳиндистон Республикаси давлат ташқи ишлар вазири Е.Ахамед, Эрон Ислом Республикаси биринчи вице-президенти П.Довудий, Мўғулистон Бош вазирининг ўринбосари М.Энхсайхан ва Покистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Х.Касури, шунингдек, меҳмон сифатида Афғонистон Ислом Республикаси биринчи вице-президенти А.Масъуд қатнашдилар.

Мажлисда ташкилотга аъзо ва кузатувчи давлатлар ўртасида транспорт, ёқилғи-энергетика мажмуи, кимё саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, юқори технологиялар борасидаги ҳамкорлик, гуманитар соҳадаги алоқаларга доир масалалар муҳокама қилинди.

Мазкур мамлакатларнинг бир-бирига боғлиқ жиҳатлари анчагина. Ўзбекистон мисолида оладиган бўлсак, мамлакатимизнинг транспорт коммуникациялари қатор давлатлар учун транзит вазифасини бажаради ва айни пайтда Ўзбекистонга тегишли юклар қатор мамлакатлар ҳудуди орқали ўтади. Биргина Андижон-Ўш-Қашқар магистралининг салоҳияти таҳлил қилинса, бу борадаги ҳамкорликнинг имкониятлари анча кенг эканлиги аён бўлади. Шу боис транспорт соҳасида халқаро автомобиль ҳаракати учун қулай шарт-шароит яратиш бўйича битим ишлаб чиқиш лозим. Энергия манбаларини узатиш борасида ҳам шундай фикр билдириш мумкин.

Саноатнинг кўплаб соҳаларида қўшма корхоналар тузиш, сармоявий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳар томонлама фойдалидир. Пахта, тери, ипакни ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби тармоқларнинг ўзида ҳам катта имкониятлар бор. Мажлисда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш ва рағбатлантиришга келишиб олинди.

Гуманитар ҳамкорлик масалаларига, айниқса, маданият ва спорт соҳасидаги алоқаларга сўнгги вақтларда Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисларида ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бишкек саммитида Маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзолангани бунинг ёрқин тасдиғидир. Мажлисда ШҲТ Котибиятига экспертлар гуруҳи билан ҳамкорликда Маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимни амалиётга татбиқ этишнинг муайян чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Бу йўналишда маданий ва бадиий жамоаларнинг сафарларини уюштириш, турли фестивалларга, кўргазмалар, танловлар, спорт мусобақалари ташкил этиш, талабалар алмашиш, олим ва тадқиқотчиларнинг мулоқотларини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

ШҲТнинг Бишкек саммитида ёшлар ташкилотларининг уюшмасини тузиш, олий таълим муассасаларининг ҳамкорлигини ривожлантириш учун ШҲТ университетини ташкил этиш борасида фикрлар билдирилган эди. ШҲТ ҳукумат раҳбарлари кенгаши мажлисининг қатнашчилари бу йўналишдаги имкониятларни кўриб чиқдилар.

Соғлиқни сақлаш ва экология соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш масаласи ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Бу борадаги алоқалар тиббиёт ва фармацевтика соҳасида тажриба алмашиш, турли эпидемияларга қарши биргаликда курашишга хизмат қилади. Соғлиқни сақлаш масалалари муайян даражада атроф-муҳит муҳофазасига боғлиқдир. Мажлисда таъкидланганидек, ШҲТ доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик концепцияси ишлаб чиқилган. Уни амалиётга жорий этишни жадаллаштириш зарур.

Мажлисда ташқи савдо-иқтисодий алоқалар, транспорт, нефть-газ сектори, қишлоқ хўжалиги, маданият ва санъат, спорт, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика каби соҳалар учун масъул бўлган вазирлик ва идораларга ушбу йўналишларда ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди, мавжуд режа ва дастурлар ижросини фаоллаштириш юзасидан кўрсатмалар берилди. Кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини бажариш чора-тадбирлари режасига киритилган лойиҳаларни таҳлил қилиш вазифаси топширилди.

Кенгашда ШҲТнинг 2008 йилги бюджети тўғрисида қарор қабул қилинди. Навбатдаги мажлисни 2008 йилда Қозоғистонда ўтказишга келишиб олинди.

Мажлис якунида Қўшма баёнот, ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида божхона ишида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги битим имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мажлис самарали кечгани, имзоланган ҳужжатлар ШҲТ мамлакатлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ва кўп томонлама амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди. Меҳмонлар ҳукумат раҳбарлари кенгаши юксак савияда ташкил қилинганини алоҳида таъкидладилар.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.

23 ДЕКАБРЬ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

ДЕМОКРАТИК САЙЛОВ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов 2 ноябрь куни Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг бир гуруҳи билан учрашди. Учрашув мавзуси олдимизда турган муҳим сиёсий воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига бағишланди.

Мустақиллик йилларида фуқароларимизнинг ўз сайлов ҳуқуқини рўёбга чиқариши учун мамлакатимизда барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Ҳар гал ана шу қулай имкониятлардан кенг фойдаланиш асносида, Ўзбекистонда сайлов ҳозирги замон демократиясининг энг муҳим институтига, халқимиз ўз ҳоҳиш-иродасини ифода қилиши, сиёсий ҳаётда, жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва айни чоғда давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан иштирок этишининг асосий шаклларидан бирига айланганига амалда кўп бор ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Айнан шу сабабдан бўлажак улкан ижтимоий-сиёсий воқеа элюртимиз истиқболида нечоғли салмоқли ўрин тутишини холис ва муносиб баҳолаш ҳам зиммамизга катта масъулият юклаши табиийдир.

Бугунги кунда дунёда сайловлар фуқаролик жамиятининг етуклиги ва сиёсий-ҳуқуқий маданияти даражасини акс эттирадиган кўзгудир. Истиқлол йилларида яратилган миллий сайлов тизимимиз сайловларни очиқ ва ошкора ўтказишнинг пухта механизми эканлигини тўлиқ исботлади ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишларнинг яққол самараларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Ривожланган мамлакатларнинг бу борадаги илғор тажрибаси ва неча минг йиллик миллий анъаналаримизнинг ўзаро уйғунлаштирилиши натижаси ўлароқ, миллий сайлов қонунчилигимизда халқимиз ўз ҳоҳиш-иродасини эркин ва очиқ ифода этишини таъминлайдиган ижобий жиҳатлар мужассамини топди.

Экспертларнинг қайд этишларича, Ўзбекистон сайлов қонунчилигида демократик сайловнинг барча асосий тамойиллари – умумийлик, сайлов ҳуқуқининг барча учун тенглиги, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш, сайловда иктиёрий қатнашиш, сайловни ўтказишдаги ошкоралик ўз аксини топган. Бугалги сайлов ушбу ҳуқуқий негиз асосида ташкил этилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси раиси йиғилганларга сайлов кампанияси бошланганидан буён ўтган қирқ кундан ортиқ вақт мобайнида амалга оширилган ишлар, қабул қилинган қарорлар, ташкил этилган тадбирлар ҳақида атрофлича маълумот берди.

Таъкидланганидек, ўтган даврда Марказий сайлов комиссияси қарорларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузилди. Округ сайлов комиссияларининг шахсий таркиби тасдиқланди. Айни вақтда жойларда участка сайлов комиссияларини ташкил этиш жараёни давом этмоқда.

Марказий сайлов комиссияси томонидан, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарор қабул қилинди. Унга кўра мамлакатимизда фаолият юритаётган ва сайловда иштирок этишга ижозат сўраб мурожаат этган бешта сиёсий партияга сайловда иштирок этиш учун ижозат берилди.

Булар – Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон халқ демократик партияси ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат сўраб мурожаат этган битта сайловчилар ташаббускор гуруҳига ҳам бўлажак сайловда қатнашишига ижозат этилди. Ана шу партияларнинг барчаси ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи ваколатли вакилларига рўйхатга олинганлик гувоҳномаси ва белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкалари берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва сайловни ўтказиш жараёнларини холисона ёритишга оид битим имзоланди. Мазкур битимни имзолашдан мақсад миллий сайлов қонунчилигимизни сайловчилар орасида тушунтириш борасидаги ишларни самарали ташкил қилиш, сайлов жараёнининг очиқлиги, ошкоралиги ва транспарентлигини таъминлаш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, ўтказилаётган сайлов жараёнидаги асосий тадбирларнинг босқичлари, муддатлари ва мазмуни ҳақида сайловчиларни ўз вақтида хабардор қилишдан иборат.

Шу билан бир қаторда, Марказий сайлов комиссияси томонидан округ сайлов комиссиялари раислари, котиблари ва матбуот хизматларининг ходимлари учун семинарлар ташкил этилди ва ўтказилди.

М.Абдусаломов айни вақтда Марказий сайлов комиссияси ҳаракат дастурида белгиланган ишларнинг ташкилий-тайёргарлик босқичи деярли якунига етгани ва эндиликда сайловолди кампаниясининг асосий тадбирлари босқичи бошланаётганига эътиборни қаратди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга 65 кун қолганида бошланади ва 45 кун қолганида якунланади. Номзодларни рўйхатга олиш сайловга 35 кун қолганида тугайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олинган номзодлар ҳақидаги маълумотларни 23 ноябргача эълон қилади. Сайловолди ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатимизда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар юксак савияда, миллий қонунчилик талаблари доирасида амалга оширилаётир.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов билан самимий ва қизғин мулоқот чоғида мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида демократик ва фуқаролик институтлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилгани алоҳида таъкидланди. Уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур ҳуқуқий асос, қулай шарт-шароит ва тегишли имтиёзлар яратилди. Бунинг натижасида юртимизда ҳозирги кунда қарийб 5 минг нодавлат нотижорат ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, улар ҳаётимизнинг турли ижтимоий йўналишларида давлат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Учрашувда иштирок этган фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг аксарияти бундан икки ярим йил аввал ташкил этилган Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясига аъзо нодавлат нотижорат ташкилотларнинг (ННТ) фаолларидир. Мазкур ассоциациянинг асосий мақсадларидан бири ҳам жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш йўлидаги вазифаларни ҳал этишда, кишилар онгу-шуурида демократик қадриятларни мустаҳкамлашда, уларнинг ижтимоий-сиёсий, социал ва амалий фаоллигини юксак даражага кўтаришда, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуришда ННТлар ролини янада кучайтиришдан иборат.

Эътиборли жиҳати шундаки, сайловнинг асосий субъектлари ҳисобланувчи сиёсий партиялар фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидир. Бу бугунги кунда мамлакатимизда "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" концепцияси ҳаётимизга кенг татбиқ этилаётганлигини яққол тасдиқлайди.

Бошқача айтганда, ҳар қандай давлатда, ҳар қайси жамиятда сайлов жараёнида сиёсий куч ва ҳаракатларнинг интилишлари билан бирга одамларнинг эркин фикрлаш даражаси, фикрлар хилмахиллиги, жамиятдаги кайфият ёрқин намоён бўлади. Учрашув давомида тадбир иштирокчилари кайфиятида ана шундай юксак ижтимоий-сиёсий руҳ сезилиб турди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фуқароларимизнинг бўлажак сайловда ўз ҳоҳиш-иродасини эркин ифода этиши уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишларни ривожлантириш истиқболи йўлида қўшадиган ҳиссаси бўлади.

Учрашувда қатнашчиларнинг кўплаб саволларига атрофлича жавоб берилди.

Гулом МИРЗАЕВ,
ЎзА мухбири.

Ҳуқуқингни биласанми, сайловчи!

НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ ТАРТИБИ

Мамлакатимизда бир нечта сиёсий партиялар мавжуд. Табиийки, Ўзбекистон Президенти сайловига улар ўз номзодларини кўрсатадилар. Номзодлар кўрсатиш тартиби ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Чори УЗОҚОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилиши томонидан амалга оширилади.

Сиёсий партиянинг юқори органи, сайловчилар ташаббускор гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига биттадан номзод кўрсатиши мумкин.

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига фақат ўз партияси аъзолари орасидан ёки партиясизни номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир, сайловчилар ташаббускор гуруҳи эса Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни, башарти мазкур номзод у ёки бу сиёсий партияга мансуб бўлмаса, кўрсатишга ҳақлидир. Номзод фақат битта сайловчилар ташаббускор гуруҳидан ўз номзоди овозга қўйилишига розилик бериши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисида баённома тузилади.

Сиёсий партиянинг раҳбари, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

сиёсий партия юқори органининг, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори;

сиёсий партия юқори органи мажлисининг, сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари, сиёсий партия томонидан тақдим этилган имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчиларининг умумий сони камида беш фоизининг, камида саккизта маъмурий-ҳудудий тузилма намоянда-си бўлган сайловчиларнинг имзосини қамраб олган бўлиши керак. Маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи республика сайловчилари умумий сонининг камида беш фоизи миқдорида, камида саккизта маъмурий-ҳудудий тузилма (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) намояндаси бўлган сайловчилардан номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаш керак. Маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сайловчилар ташаббускор гуруҳи имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини, энг аввало Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатилаётган маъмурий-ҳудудий тузилма сайловчиларининг имзосини тўплаш мумкин.

Сиёсий партия, сайловчилар ташаббускор гуруҳи уларнинг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилганидан кейингина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплашга ҳақли. Бу санага қадар тўпланган имзолар ҳисобга олинмайди.

Сайловчилар фақат битта номзодни қўллаб-қувватлаб, бир мартагина имзо қўйишга ҳақли. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини (ёши ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда туғилган куни ва ойини), яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек имзо қўйган санани кўрсатади.

Имзо варақасини имзо тўплаган шахс ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини кўрсатган ҳолда, шунингдек тегишли сиёсий партиянинг туман, шаҳар тузилмаси раҳбари, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили тасдиқлайди.

Сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилади. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва уларни пора эвазига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Имзо тўплаш тамомланганидан сўнг сиёсий партиянинг, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида-алоҳида қилиб тикилган имзо варақаларини Марказий сайлов комиссиясига топширади.

Ҳужжатларни тақдим этган шахсга Марказий сайлов комиссияси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотнома беради.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг Қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Имзо варақаларига имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиядан, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан улар кўрсатган номзодни рўйхатга олиш учун ҳужжатлар қабул қилишни рад этади.

Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва Қонун талабларидан четга чиқиш ҳоллари тўғрисида тегишли сиёсий партияларнинг раҳбарларига, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакилига белгиланган тартибда маълум қилади.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати тугашига етти кун қолганида тўхтатади.

ВАТАНГА ХИЗМАТ – МУҚАДДАС БУРЧ

Сафда – ёш аскарлар

КАТТА ИШТИЁҚ БИЛАН

Кейинги йилларда ёшларимиз ўртасида армияда хизмат қилиш учун даъвогарларнинг сони ниҳоятда ортиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Буни ҳарбий қисмларда юртимиз посбонларининг талаб даражасида хизмат қилиши учун тегишли шарт-шароитларнинг юксак савияда яратилгани, улар учун ҳукуматимиз томонидан қатор имтиёзлар берилиб, мунтазам ғамхўрликлар кўрсатилаётгани билан изоҳлаш мумкин.

Чақириққача тайёргарлик жараёнларию ўғлонларни хизматга тантанали равишда кузатиш ва кутиб олиш тадбирлари, аскарларнинг муддатли хизматни ўташ давридаги сабоқлар, машғулотлар, ранг-баранг маънавий-маърифий тадбирлар замирида энг аввало, инсон омили турганлиги юртдошларимизни беҳад қувонтирмоқда. Ахир ҳаёт мактаби, дея аталмиш муқаддас гўша – армияда камолга етаётган йигитлар ҳар томонлама чиниқмоқдалар. Елкасида она Ватан ҳимоясидек улкан масъулият юкини кўтарган устоз офицерлар, тарбиячи ва мураббийлар кўмагида юртнинг асл ўғлонлари сифатида шаклланиб, тобланмоқдалар. Келажак орзулар учун ишончли пойдевор яратишга интилмоқдалар.

Шу кунларда Қуролли Кучларимизнинг аксарият қисм ва бўлинмаларида кузги чақирув билан ҳарбий хизматга чақирилган ёш аскарларнинг йиғинлари давом этмоқда. Бундай йиғинлар офицер Нодиржон Ўрмонов хизмат қилаётган қисмда ҳам уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Қисмда ёш аскарларни кутиб олиш учун ҳар қачонгидан ҳам пухта ҳозирлик кўрилди. Даставвал, ётоқхона, синфхоналар ва ошхона таъмирдан чиқарилди. Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик ҳамда маиший хизмат кўрсатиш хоналари янги жиҳозлар билан бутланди, керакли ўқув қуроллари ва адабиётлар ҳозирланди. Энг муҳими, ёш аскарларга ҳарбийча ҳаётнинг илк сабоқларини бериш учун шахсий таркиб билан ишлаш қобилиятига эга, маҳоратли ҳарбий хизматчилар гуруҳи танлаб олинди.

– Сафимизга келишганига атига бир неча кун бўлган бўлсада, ёш аскарлар ўзларини ўз уйларидагидек ҳис қилишмоқда, – дейди биз билан суҳбатда тарбиячи офицер Дониёр Эшонхўжаев. – Уларга хизматининг илк кунлариданоқ ҳар томонлама ёрдам берилиб, алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Ўз вақтида овқатланишлари, дам олишлари мутасадди офицерлар томонидан назорат остига олинган. Ёш посбонлар ҳарбий ҳаётнинг илк кўникмаларини ҳосил қилишлари учун йиғинга жалб этилган ҳарбий хизматчилар бор имкониятларини, билимларини ишга солишмоқда.

Ёш аскарлар билан дилдан суҳбатлашганимизда, уларнинг аксарияти олий маълумотли, дунёқараши кенг, маълум бир касбга эга, жисмонан чиниққан йигитлар эканлигига гувоҳ бўлдик. Мудофаа ишлари бўлимларида ташкил этилган текширувлару тест синовларидан муваффақиятли ўтган, қатъий ҳаётий позицияга эга, билаги куч-қувватга тўла асл ўғлонларнинг келгусида ҳарбий хизматнинг ҳар қандай машаққатини енгиб ўтишга қодир эканликларига ишонч ҳосил қилдик.

– Мен университетнинг юридик факультетини тамомлаганман, – дейди самарқандлик оддий аскар Актам Маҳмудов. – Ёшлигимдан спортнинг футбол, бокс, шахмат тури билан мунтазам шуғулланаман. Армияда хизмат қилиш катта орзуим эди. Мана, мақсадимга ҳам етдим. Энди аъло даражада хизмат қилиб, ёр-биродарларим олдига ёруғ юз билан қайтишга астойдил ҳаракат қиламан.

Ёш аскарлар катта иштиёқ, қизиқиш билан жанговар хизматнинг дастлабки кўникмалари, илк сабоқларини олишмоқда. Улар сабрсизлик билан кутаётган яна бир муҳим сана бор. У ҳам бўлса – Ҳарбий қасамёд қабул қилиш тантаналаридир.

Майор Жавоҳир СОБИТОВ.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.



ЛЕСНИКОВ
Анатолий Петрович



Ушел из жизни один из ветеранов Вооруженных Сил и Академии Вооруженных Сил Республики Узбекистан. 2 ноября на 64-м году жизни после продолжительной болезни скончался подполковник в отставке Лесников Анатолий Петрович.

Подполковник Лесников А. П. с первых дней образования Академии Вооруженных Сил Республики Узбекистан принимал самое активное участие в процессе формирования этого высшего военно-образовательного учреждения.

Анатолий Петрович Лесников внес значительный вклад в развитие и внедрение современных технических средств в учебный процесс Академии Вооруженных Сил. В период ее строительства и формирования его руками были подготовлены классы, смонтированы макеты и другое оборудование для качественного проведения занятий со слушателями. Он был опытным рационализатором и изобретателем, постоянно искал новые пути совершенствования учебно-материальной базы Академии.

Даже после ухода в отставку в декабре 2003 года Лесников А. П. не прерывал связи с Вооруженными Силами. Он постоянно оказывал помощь в совершенствовании учебно-материальной базы Академии и воспитании слушателей в духе патриотизма и уважения к профессии защитника Родины.

Его глубоко уважали за трудолюбие, широкую эрудицию, богатый жизненный опыт, профессионализм, ответственность и доброжелательное отношение к сослуживцам.

Руководство Министерства обороны, Объединенного штаба и Академии Вооруженных Сил Республики Узбекистан, генералы и офицеры, друзья, товарищи и сослуживцы выражают соболезнование родным и близким подполковника в отставке Лесникова Анатолия Петровича.

Светлая память о нем навсегда останется в наших сердцах.

Ҳарбий қасамёд

ПОСБОНЛАРНИНГ МАРДЛИК КАЛОМИ

Айни кунларда кузги чақирувда муддатли ҳарбий хизматга олиниб, йиғин давомида дастлабки кўникма машғулотларини ўзлаштирган ёш аскарларнинг тантанали ҳарбий қасамёд қабул қилиш тадбирлари бошланди.

Ҳар бир ўғлоннинг умри давомида бир бор кечадиган Ҳарбий қасамёд тантанаси асло унутилмас кун, ҳақиқий мардлар сафига кирганини билдирувчи муҳим санадир. Осойишталик ҳимоячилари она Ватанига, халқига, Президентига ва ичган қасамига бир умр содиқ қолишга сўз беришаркан, бу йўлда барча машаққатларга сабот билан дош беришга, ҳар доим мардлик ва жасорат кўрсатишга, синовларни мардона енгиб ўтишга ўзларини чоғлайдилар. Ҳа, Ҳарбий қасамёд чин йигитлик онти, азаматлар аҳдидир. Бу куннинг ҳарбий қисмларда катта шодиёналар, тантаналар билан ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Ана шундай тадбирлардан бири офицер Гулмурод Бобоев хизмат қилаётган ҳарбий қисмда ҳам бўлиб ўтди. Унда ҳарбий хизматчилар билан биргаликда давлат ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари, аскарларнинг ота-оналари ва дўст-яқинлари иштирок этишди.

Ҳарбий қисм байрамона тус олган. Азиз фарзандларининг унутилмас кунида иштирок этиш учун юртимизнинг турли вилоятларидан ташриф буюраётган ота-оналар гуруҳ-гуруҳ бўлиб кириб келишмоқда. Эгниларига ҳарбийча либослари ярашиб турган ёш лочинлар майдон узра бир текис саф тортиб туришибди. Уларга боққан сари кишининг кўзлари қувнайди. Ниҳоят, тадбир бошланди. Қисм командири тантанани қисқача кириш сўзи билан очаркан, ёш аскарларнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилишларига рухсат берди. Саралар ичра сара ўғлонлар сифатида Ватан хизматига чақирилган ғайратли шунқорлар бирин-кетин қадларини мағрур тутиб, содиқликка онт ичдилар. Шундан сўнг она юрт ҳимоячилари сафидан жой олган мардларни тадбир иштирокчилари бирин-кетин сўзга чиқиб, бугунги унутилмас кунлари билан самимий қутлашди.

– Ҳурматли аскар ўғилларим, сизлар қасамёд қабул қилиб, чинакам Ватан посбони, юрт ҳимоячиси бўлдингиз. Сизга табаррук боболару мунис момолар, жондан азиз волидаи муҳтарамаларингиз ва қиблагоҳингиз бўлган падари бузрукворингиз, жажжи укажонларингиз-у, меҳрибон опа-сингилларингиз, умуман, барча юртдошлар умид билан кўз тикиб, ишониб туришибди. Сиз барчамизнинг осойишталигимизни қўриқлайсиз. Бу сиздан катта масъулият талаб қилади. Шу боис ҳар доим аҳдингизга, қасамёдингизга содиқ бўлинг. Бурчингизни виждонан адо этинг. Доимо юзингиз ёруғ, қадамингиз қутлуғ, эришганингиз музаффарият бўлсин. Мен сизларга омад ва зафар тилашдан бахтиёрман! – деди ота-оналар номидан сўзга чиққан оддий аскар Шерзод Камоловнинг онаси Мўътабар опа Камолова.

Ишонч ва самимиятга тўла бундай юрак сўзлари посбонларни матонату мардлик сари ундаб, дилларини янада тўлқинлантириб юборди, десак хато бўлмайди. Ўз навбатида қасамёд қабул қилган ёш аскарлардан Шерзод Ғуломов, Нодир Каримов, Бунёд Абрўев ва Илҳом Мадалиевлар билдирилган ишонч ва кўрсатилаётган ғамхўрликларга доимо муносиб хизматлари билан жавоб қайтариб, ҳамиша осойишталикка камарбаста бўлишга сўз беришди.

Тантанали тадбирга ҳарбий оркестр томонидан тақдим этилган дилрабо куй ва қўшиқлар яна ҳам файз бағишлади. Меҳмонлар эътиборига жанговар санъатга оид кўргазмали машқлар ҳам ҳавола этилди.

Ҳарбий қасамёд тантанасидан сўнг қисм қўмондонлиги масъул офицерлари ёш аскарларнинг ота-оналари ва дўст-яқинларига бугунги ҳарбий хизмат, Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, посбонлар учун яратилган шарт-шароитлар, имтиёзлар ҳақида батафсил маълумот бериб, мулоқот ўтказишди. Уларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди. Меҳмонлар ҳарбий ҳаёт билан яқиндан танишиб, аскарлар ётоқхонаси, ошхона ва дам олиш хоналарини қизиқиш билан кўздан кечирдилар. Шунингдек, ёш аскарлар тадбир меҳмони бўлган таниқли ҳажвчи шоир истеъфодаги подполковник Абдураззоқ Обрўй билан учрашув ўтказдилар. Ижодкорнинг Ватан, она, ҳарбий хизмат, дўстлик ва муҳаббат ҳақидаги шеърлари йиғилганларга манзур бўлди.

Катта лейтенант Шоҳруҳ КОМИЛОВ.

РАҒБАТ – МУҲИМ ОМИЛ

Жанговар вазифа. Ҳар қандай шароит ва вазиятда уни тез ва сифатли бажариш ҳарбий хизматчининг бош вазифасидир. Қувонарлиси, сафларимизда ўз бурчини сидқидилдан адо этувчи, барча саъй-ҳаракатлари юксак масъулият, юртига, халқига бўлган чексиз меҳр-муҳаббат ҳислари билан йўғрилган Ватан ҳимоячилари кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг қаторига офицер Фарҳод Жамолов, кичик сержантлар Шамсиддин Норқобилов ва Абдувоҳид Ўразалиев, муддатли ҳарбий хизматчи Аскар Бобоевларни қўшиш мумкин. Юқорида номлари қайд этилган юрт посбонлари ўзларига билдирилган ишончни оқлаган ҳолда қўйилган жанговар вазифаларни матонат ва сабот билан бажаришга муваффақ бўлдилар.

Сафдошларига ўрнак бўлишнинг уддасидан чиққан аълочи посбонлар хизматларига яраша мукофотландилар ҳам. Катта лейтенант Жамолов Мудофаа вазирининг эсдалик соати билан тақдирланган бўлса, қолганларга эсдалик нишонлари топширилди.

– Мудофаа вазирининг эсдалик нишони билан тақдирланишимда, – дейди оддий аскар Бобоев, – барча сафдош дўстлар, командирларимнинг ҳиссаси каттадир. Ниятим, хизматдан ушбу нишон ёнига Тавсияномани ҳам қўшган ҳолда уйга қайтишдир.

Қандай кўриниш ва шаклда бўлмасин, рағбат киши руҳиятини тетиклаштиради, куч ва билимини янги зафарлар сари сафарбар этишга, шунингдек, сафдошларни янада шижоат ва ғайрат билан хизмат қилишга чоғлайди.

Катта лейтенант Мунир РАҲИМОВ.

Ошпазлар малакаси оширилмоқда

СИФАТЛИ ОЗУҚА БАҒИШЛАР ҚУВВАТ

Маълумки, армиянинг ҳар томонлама мукаммал куч-қудрат касб этишида ундаги мавжуд барча бўғинларнинг ўзига хос ўрни, вазифаси ҳамда ҳиссаси бор. Улар ўзаро бирлашиб, яхлит бутунликни ташкил этади ва улкан мақсадларни амалга оширишга қодир бўлади. Бу ўринда посбонларнинг сарф этилган жисмоний энергияси ўрнини тўлдиришга хизмат қиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва ушбу соҳа мутахассисларининг ҳам хизмати каттадир.

Олиб борилаётган ислоҳотлар сабаб, бугун соҳанинг барча бўғинларида улкан ишлар, ўзгариш ва янгиланишлар амалга оширилмоқда. Таъкидланаётган озиқ-овқат таъминоти хизмати ҳам бундан мустасно эмас. Жумладан, аскарларнинг овқатланиш рационига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, витаминларга бой ва каллорияли маҳсулотлар уларнинг таомномасидан ўрин олгани фикримизни исботлайди. Яқиндан бошлаб эса юрт ҳимоячиларининг дастурхонини яна ҳам бойитиш ва сифатли овқатланишларини ташкил этиш мақсадида уларга хизмат кўрсатаётган ошпазларнинг малакасини оширувчи курс ҳам ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори талаблари асосида Мудофаа вазирининг буйруғига биноан Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг фронторти таъминоти факультети ҳузурида очилган мазкур малака ошириш курсида ҳарбий қисм ва муассасалардан келган шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар ҳамда Қуролли Кучлар хизматчиларидан иборат ошпазлар белгиланган вақт мобайнида ўз малакаларини оширадилар. Дарслар назарий ва амалий машғулотлар билан олиб борилади. Уларга малакали офицерлар соҳа сирларини ўргатадилар.

– Курсда соҳа мутахассисларига озиқ-овқат тайёрлаш ва сифатли хизмат кўрсатишни ташкил қилиш бўйича йўл-йўриқлар ўргатилади, – дейди билим юрти озиқ-овқат таъминоти кафедраси бошлиғи офицер Расул Кушшаев. – Унда шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар бир ой, Қуролли Кучлар хизматчилари эса ўн беш кун давомида таҳсил олишади. Аҳамиятлиси, назарий билимлар бевосита амалиётда мустаҳкамланиб борилади. Қисмдан ташқари дала шароитида ҳам озиқ-овқатлар тайёрлаш ва ташкил этиш тартиб-қоидалари уларга мукаммал ўргатилади. Мана, биринчи босқич муваффақиятли давом этмоқда. Курсда таҳсил олаётганлар учун билим юрти раҳбарияти томонидан барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

– Мен Шимоли-ғарбий ҳарбий округидан келганман, – дейди шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Бахитбай Хожалепесов. – Бизга ўз ишининг моҳир билимдонлари бўлган офицерлар Валижон Тиллабоев, Илҳом Пардаев, Қуролли Кучлар хизматчилари техника фанлари доктори, профессор Тожи Худойшукуров ва техника фанлари номзоди Иззатулла Шукуров каби устозлар соҳа илмидан сабоқлар беришмоқда.

– Озиқ-овқат таъминоти ва хизмат кўрсатишга доир кўпгина янги билимларни эгаллаяпмиз, – дейди яна бир шартномачи посбон Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округидан келган мутахассис Тилла Тўхтаев. – Кундалик овқатланиш вақтларида хизмат кўрсатишдан ташқари байрам столларини безаш, ҳар хил катта-кичик тадбирларда столларни қулай тарзда жойлаштириш, хоналарни юксак талаблар даражасида безаш, қулайликлар яратиш, қошиқ-санчқиларсиз ҳам маҳсулотларни тайёр ҳолда қўйиб, меҳмонларни кутиб олиш кабиларни ўрганаяпмиз.

Озиқ-овқат таъминоти хизмати мутахассислари бу ерда таҳсил олгач, эгаллаган билимларини эртага ўз хизмат жойларида амалиётга тадбиқ этишини ўйлаш кишига ажиб бир завқ бағишлайди. Чунки улар маҳсулотларни тайёрлаш ва хизмат кўрсатиш борасида маъмаан деган замонавий ресторанлар хизматчилари билан бемалол рақобатлаша оладиган даражада чуқур билим ва кўникмага эга бўлишмоқда.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.





ҚАДРИЯТЛАР ЗАМИРИДА ЭЗГУЛИК ЯШАР

ҲАШАР – ПОСБОНГА ҲАМ ЯРАШАР

Миллатимизнинг ўзигагина хос гўзал, эзгу қадриятлари бисёр. Улардан бири дунёга қўз-қўз қилишга юз бора арзийдигани ҳашардир. Замирида эзгулик, олижаноблик каби бетакрор фазилатлар мужассам бу удумда ўзбекнинг ўзлиги барқ уриб туради. Мамлакатимиз бўйлаб «Экосан» халқаро ташкилоти ташаббуси билан «Экология ва саломатлик кунлари» нинг учинчи босқичи ўтмоқда. Мазкур «Экология ва саломатлик кунлари» доирасида давлатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишлаб умумреспублика экологик ҳашари ўтказилди. Унда саккиз миллиондан зиёд киши иштирок этди.

Табиийки, бундай эзгу ишдан посбонларимиз ҳам четда турганлари йўқ. Республика Қуролли Кучлари ҳам мазкур умумреспублика тадбирида фаол иштирок этди. Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм ва муассасаларида умумхалқ ҳашари уюшқоқлик билан ўтказилди. Бу борада Шарқий ҳарбий округ шахсий таркиби ҳам мақтовга арзигулик ишларни амалга оширди. Округ тарбиявий ишлар бошқармаси офицери Фурқат Қудратов ўтказилган ҳашар юзасидан шундай дейди:

– Ҳашарлар ўтказиш юртимизда яхши анъанага айланиб бормоқда. Шундай кунларда халқимизга хос ҳамжиҳатлик, аҳиллик, меҳнатсеварлик, яратувчанлик фазилатлари аниқ кўзга ташланади. Боболаримиз азал-азалдан ободончилик ишларига катта эътибор қаратиб келганлар. Ана шу эзгу хислат бизнинг ҳам қон-қонимизга сингиб кетганлиги ҳашар кунларида яққол кўринади. Умумреспублика экологик ҳашарида нафақат ҳарбий хизматчилар, балки уларнинг оила аъзолари ҳам фаол иштирок этдилар. Унда катталарга астойдил кўмаклашиш иштиёқида ҳаракат қилаётган болажонларни ҳам кўриб мамнун бўласиз. Боболардан бизгача ҳеч қадрини йўқотмай етиб келган фазилатли анъана болаларимиз қалбига шундай кунлар шукуҳи орқали сингса ажаб эмас.

Шу куни ҳарбий қисмлар ҳудуди янада кўркам тусга кирди. Ариқлар, боғлар тозаланди. Ҳарбий шаҳарчалар атрофи ободонлаштирилди. Бундан ташқари ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари таҳсил оладиган мактаблар, мактабгача тарбия муассасаларида ҳам посбонлар ободонлаштириш ишларини олиб бордилар.

Экологик ҳашарда Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ посбонлари ҳам фаоллик билан иштирок этдилар. Бунда ҳарбий оила бекаларининг иштирокини алоҳида таъкидлаб ўтсак арзийди. Округ хотин-қизлар кенгашининг раҳбари Тамара Маманова етакчилигида Матлуба Юлдошева, Зулфия Турдиева, Гулзора Алланиёзова, Альбина Қодировалар фаолликлари билан барчага намуна бўлдилар.

Сержантлар тайёрлаш мактабида ҳам экологик ҳашар уюшқоқлик билан ўтказилди. Ҳашарда шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Комил Примов, курсант Актам Турсунов, Қуролли Кучлар хизматчиси Маҳфуза Темирова каби посбонлар сафдошларга намуна бўлдилар. Дарахтларни оқлаш, ариқларни тозалаш, боғлар ва болалар майдончаларини тартибга келтириш каби ободонлаштириш ишларида офицерлар Музаффар Ярматов, Даврон Зокиров, Рафаэль Ахмадулин, Бахтиёр Дўрмановлар ва улар қўл остида хизмат қилаётган юрт ҳимоячилари меҳнатини алоҳида тилга олиб ўтсак арзийди. Хуллас, умумреспублика ҳашарида посбонларимиз иштироки ҳар жиҳатдан мақтовга сазовордир. Шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлики, экологик ҳашардан тушган маблағ «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурига асосан Оролбўйи ва бошқа экологик ноқулай ҳудудларга саломатлик поездлари ташкил қилиш учун йўналтирилади.

ИНОБАТ НОДИРШОҲОВА.

ҲАРБИЙЛАРНИНГ МУНОСИБ ҲИССАСИ

Ҳарбий қисм ҳудудида иш қизғин. Кимдир ариқ ва зовурларни, йўлкаларни хазонлардан тозалаётган бўлса, яна кимдир дарахт ва арчаларга ишлов бериб, ободонлаштириш ишларини амалга оширмоқда...

– Ҳарбий қисм, умуман олганда, ҳар кимнинг иш жойи унга ўз уйидек бўлиб қолиши табиий. Назаримда, шунинг учун ҳам ҳашардек хайрли ишларга ўзгача иштиёқ ва меҳр билан киришамиз, – дейди офицер Абдуҳалим Йўлдошев супуриб сидирилган, ораста ҳудудга назар ташлаган ҳолда посбонларга мамнун боқиб. – Сафдошларига ўрнак бўлган офицерлар Анвар Шигаев ва Ғулом Аширматов, оддий аскарлар Ортиқ Сафаров, Едиге Арзиев, Руслан Қаландаровларнинг номини алоҳида тилга олиб ўтишни истардим. Айниқса, бу борада муддатли ҳарбий хизматчиларнинг фаоллиги жуда қувонарли.

Дарвоқе, ҳарбий қисм шахсий таркиби нафақат қисмда, балки ҳарбий шаҳарчада ҳам экологик ҳашар доирасида кўплаб ишларни бажардики, бу саъй-ҳаракатлар шаҳарча аҳолиси миннатдорчилигига сабаб бўлди.

Юқоридаги ҳарбий жамоа мисолида айтиш мумкинки, Ватан ҳимоячилари ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишлаб ўтказилган умумреспублика экологик ҳашарида фаол қатнашиб, атроф-муҳит, она-табиат, қолаверса, экотизимни асраб-авайлашдек эзгу ишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Таъкидлаш жоизки, республика миқёсидаги экологик тадбир давомида минглаб километр узунликдаги ариқ ва зовурлар тозаланди, кўп объектларда ободонлаштириш ишлари олиб борилди ҳамда уларнинг санитар ҳолати яхшиланди.

Катта лейтенант Жуманазар МАТЁҚУБОВ.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ олган суратлар.



Долзарб мавзу

МУНОСИБ ШАРТ-ШАРОИТЛАР

Кўплаб гарнизонларда бўлгани сингари Нукус уй-жойдан фойдаланиш қисми мутахассислари ҳам ҳарбий шаҳарча, қисм ва муассасаларнинг қишки мавсумга тайёргарлигини билдиришмоқда. Офицер Байрам Жумамуратовнинг маълумот беришича, жойларда янги сув иситиш қозонларини ўрнатиш, қувурларга мавсумий хизмат кўрсатиш ишлари якунланган. Масалан, ҳарбий шаҳарчаларнинг ўзига ўндан ортиқ янги русумдаги сув иситиш қозонлари, баъзи ҳарбий қисмларга эса суюқ ёнилғили иситиш қозонлари ўрнатилиб, дастлабки синовлардан муваффақиятли ўтди. Албатта, иситиш тизими самарадорлигини таъминлашда қувурлар созлиги, уларнинг талаб даражасида бўлиши, ҳаво ҳароратининг кескин ўзгаришига тайёргарлик даражасига алоҳида эътибор берилади. Демак, улардан фойдаланиш даври мобайнида қувурлар ичини тозалаш, таъмирлаш ишлари ҳам белгиланган режа асосида олиб борилди. Ҳарбий шаҳарчалардан биридаги фойдаланишга яроқсиз ҳамда хизмат муддатларини ўтаб бўлган 1020 метр узунликдаги турли диаметрли қувурлар янгисига алмаштирилди. Қиш мавсумида фойдаланилмайдиган бино хоналари тегишли тарзда консервация қилинди.

Иситиш, насос ва газ хўжаликлари телефон тармоғи ҳамда алоқа воситалари билан таъминланиши эса бу борадаги иш самарадорлигини ошириш, фавқулодда пайдо бўлувчи камчилик ва носозликларни тез ва сифатли бартараф этишга хизмат қилиши аниқ.

Ҳа, бир сўз билан айтганда, ҳарбийларнинг хизмат жойлари, ҳарбий шаҳарчалар ва муассасаларнинг иситиш тизими, иссиқ сув таъминоти қиш мавсумига шай ҳолатга келтирилгани юрт посбонлари ҳамда уларнинг оила аъзолари учун муносиб хизмат ва яшаш шарт-шароитларини яратишдек муҳим вазифага қўшилган ҳисса, дейиш мумкин.

Катта лейтенант Учқун САИДНАЗАРОВ.

Ҳуқуқий маслаҳатхона

ТАЪТИЛ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛАДИ

2007 йил учун навбатдаги хизмат таътилида соғлигим ёмонлашиб, касалхонага тушиб қолдим. Даволаниб чиқунимга қадар хизмат таътилининг муддати тугаб қолди. Мен даволанган вақт учун хизмат таътилим муддати узайтириладими?

Кичик сержант Нуриддин ИНОЯТОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 285-моддасига кўра, асосий ёки қўшимча таътил вақтида касал бўлиб қолган шартнома асосидаги ҳарбий хизматчиларга улар даволанган тиббий муассаса бошлиғи (бош врач)нинг тегишли маълумотномасига асосан даволанган кунлари ҳисобига хизмат таътили муддати узайтириб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида шартнома бўйича ҳарбий хизматни аёллар ўташи мумкинми?

Дилбар САЛИМОВА, талаба.

«Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 99-моддасида Ўзбекистон Республикасининг аёл жинсига мансуб фуқаролари ҳам вакант ўринларига шартнома бўйича ҳарбий хизматга олиниши кўрсатиб ўтилган. Бунда асосан, уларнинг тегишли маълумотга, профессионал тайёргарлик даражасига ва зарурий руҳий-ишчанлик қобилиятига эга эканлиги эътиборга олинади.

Сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролар учун ишга жойлашишда чеклашлар мавжудми? Бу хизмат турини ўташ учун бадал пули миқдорини ким белгилайди ва бу пул бадаллари қайси мақсадларда ишлатилади?

Равшан ОЛИМЖОНОВ, ўқитувчи.

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасида муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақируви резерви сафига олиниши кўрсатиб ўтилган.

Қонунда сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролар учун ишга жойлашишда бирон-бир чеклашлар кўрсатилмаган.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган шахслар тўлайдиган пул бадаллари миқдори ва уларни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган алоҳида низом билан белгиланади. Бу маблағлар муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг пул ва моддий таъминотини ошириш, шунингдек сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган шахсларнинг ҳарбий йиғинларини ўтказишга йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасининг қонунчилик тарғиботи тармоғи.

МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИКДАН БАРЧА МАМНУН

Мана, ҳадемай қиш фасли ҳам бошланади. Демак, совуқ, қор-ёмғирли, изғиринли кунлар тобора яқинлашмоқда. Қувонарлиси, барча ҳарбий қисм ва муассасаларда мавсумга тайёргарлик тадбирлари якунланган бўлиб, уларнинг фақат айримларидагина сўнгги ҳозирлик ишлари ниҳоясига етмоқда. Биз хизмат сафари билан бўлган ҳарбий қисмни ҳам бемалол қиш мавсумига муносиб даражада тайёргарлик кўрганлар сафига қўшиш мумкин.

Қисм уй-жойдан фойдаланиш хизмати бошлиғи офицер Нусрат Иззатиллаев бизни кутиб олгач, қозонхона томон бошлади. Ҳамроҳимиз иситиш қозонларини диққат билан кўздан кечираётган кишини бизга таништираркан: «Энг тажрибали чилангаримиз – Виктор Будилин», деди.


– Иситиш қозонлари, хавфсизлик автоматикаси тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, сўнгги синовлардан ҳам муваффақиятли ўтди, – дея мамнунлик билан сўз бошлади В. Будилин кўринишидан яп-янгидек қозонларга ишора қиларкан. – Ҳарбий қисм объектлари ҳамда оилавий ётоқхоналарнинг иситиш тизими кўнгилдагидек хизмат кўрсатмоқда ва иссиқ сув билан таъминланган. Яқинда қозонхонага янги электр насос ва ёқилғини тозалаш ускунаси ҳам ўтнатдик. Умуман олганда, икки юз метрдан ортиқ қувурлар, фойдаланишга яроқсиз ва хизмат муддатларини ўтаган чилангарлик жиҳозлари бутунлай янгиланди.

Суҳбатдошим қиш мавсумига тайёргарлик доирасида амалга оширилган тадбирлар хусусидаги фикрларини ҳамкасблари билан биргаликда жорий қилишган яна бир янгилик билан давом эттирди. Ушбу янгиликни соҳанинг ўзига хос ихтиросига тенглаштирсак, балки сал муболаға бўлар-у, лекин уни касбга ижодий ёндашув самараси десак, асло адашмаймиз. Хуллас, қозонхонани ёнилғи билан таъминловчи қувурни ҳам иситиш йўлга қўйилибди. Бу янгилик, ҳаво ҳарорати жуда паст пайтларда юқоридаги қувурдан оқиб ўтувчи суюқликнинг музлаш хавфининг олди олинганини англатади. Бундан ташқари, ёнилғини тежаш ва кам энергия сарфлаб, иссиқлик ҳароратини узоқ вақт сақлаш борасида ҳам изланишлар олиб борилмоқда. Шубҳасизки, бунда уй-жойдан фойдаланиш хизмати жонкуярлари Иброҳим Қобилов, Александр Козин, Виктор Ковалёв кабиларнинг ҳам ҳиссаси бор.

Қозонхонадаги аҳвол билан танишгач, аскарлар ётоқхоналарини бир-бир кўздан кечирдик. Шинам хоналардаги ҳарорат – ўртача. Бунга асосий сабаб иситиш тизимининг тўғри ишлаётгани ва қувурларда носозликлар йўқлиги бўлса, дераза, эшик ромларининг белгиланган тарзда мавсумга ҳозирланиши ҳам хона ҳароратининг сақланишига хизмат қилмоқда.

Ҳарбий қисмда қорли-қировли кунларга пухта тайёргарлик кўрилганидан аввало, шахсий таркибнинг мамнун бўлиши табиий бир ҳол. Шундай экан, бундай миннатдорчилик туйғуларига сазовор бўлган уй-жойдан фойдаланиш хизмати мутахассисларига ҳар қанча таҳсин айтсак арзийди. Зеро, улар юрт посбонларининг жанговар шайлигини таъминлаш ва ҳарбий хизматчилар оила аъзолари учун муносиб шарт-шароитлар яратишдек масъулиятли, эзгу ишларга муносиб улуш қўшиб келмоқдалар.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ олган суратлар.



11 НОЯБРЬ – ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ

УСТОЗЛАРГА МУНОСИБ ШОГИРД



Мен Гулруҳни дастлаб «Энг илғор ҳамшира» танловида давра бошловчиси сифатида кўрган эдим. Тўғрироғи, унинг бирорта маданият даргоҳидан тадбирни олиб бориш учун таклиф этилганига шубҳам қолмаганди. Чунки майда ўрилган сочларию адрас либоси ўзига ярашган бу сўзамол қиз ҳар қандай сухандондан қолишмасди. Орадан бир неча кун ўтиб малакали шифокорлар ҳақида мақола тайёрлаш истаги билан Марказий ҳарбий клиник госпиталда бўлганимда менга айнан шартнома бўйича тиббий хизмат оддий аскари Гулруҳ Отамуродовани тавсия қилишди.

Ҳарбий шифохонанинг юз-жағ жарроҳлиги бўлимида катта ҳамшира вазифасида хизмат қилаётган бу гўзал қиз билан дилдан қилган суҳбатимиз ўта самимий кечди. Бу орада унинг лирика билан ҳамнафас бўлган сухандонлик қобилиятининг сабабидан ҳам воқиф бўлдим. Бироқ бу сирни очишдан аввал мақоламиз қаҳрамонининг ҳамширалик фаолиятига тўхталишни лозим топдим.

Инсон болалик чоғлариданоқ орзулар қанотида улғаяди. Гулруҳ ҳам оппоқ либосли шифокор бўлишни ўша беғубор онларда мақсад қилган бўлса ажабмас. У тўққизинчи синфни битиргач, Тошкент давлат тиббиёт институти (ҳозирда тиббиёт академияси) қошидаги академик лицейда таҳсил олди. Кейин Боровский номидаги тиббиёт билим юртида ҳамширалик сирларини эгаллади. Тошкент давлат тиббиёт институтининг «Олий маълумотли ҳамшира» курсида олган уч йиллик билим эса уни малакали ҳамшира сифатида фаолият юритишида замин яратди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иқтидорли қиз ушбу курсда Ибн Сино номидаги стипендия соҳибаси бўлишга эришди. Билимини бир қатор ўқув даргоҳларида, тажрибали устозлар қўлида мустаҳкамлаб борган Гулруҳ ҳарбий шифохонада тез ўрин топди, десак хато бўлмас. 2004 йилнинг охирларида Марказий ҳарбий клиник госпиталнинг юз-жағ жарроҳлиги бўлимида иш бошлаган интилувчан қиз оз фурсат ўтмай мураккаб жарроҳлик операцияларида ҳам иштирок эта бошлади. 2005 йилнинг ўрталарига келиб у ҳарбий либосга лойиқ топилди, ҳарбий тиббиёт вакиллари сафидан муносиб жой эгаллади. Шунингдек, ушбу бўлим ҳамшираларига етакчилик қилиш, яъни катта ҳамширалик вазифаси унга ишониб топширилди.

– Инсоннинг камолга етишида ота-она билан бир қаторда устозларнинг ўрни жуда катта эканлигини мен ҳар қадамда ҳис қилиб тураман, – дейди Гулруҳ фаолияти ҳақида сўз кетар экан. – Лицейда таълим берган устозим Волида Валиева, ҳамширалик сирларидан сабоқ берган тиббиёт билим юрти ўқитувчиси Фотима Алимова, «Олий маълумотли ҳамшира» факультетида устозлик қилган, мана шу факультетга асос солган, қўлланмалар яратган тиббиёт фанлари доктори Назира Аҳмедовалар менга асосан тиббиётнинг назарий услубларини мукаммал эгаллашим учун замин яратишган бўлса, ҳарбий клиник госпиталдаги фаолиятим давомида юз-жағ жарроҳлиги бўлими бошлиғи тиббий хизмат подполковниги Алишер Назаров, шу бўлим шифокорлари тиббий хизмат подполковниги Орифжон Абилов, Қуролли Кучлар хизматчиси Нигора Шодиева, тажрибали ҳамширалар Зулайҳо Назарова, Гулчеҳра Шаимқуловалар амалий жараёнларда малака оширишим учун жуда катта ёрдам беришди, устозлик қилишди. Ҳар бир эришган ютуғимда уларнинг улкан хизмати бор, шубҳасиз.

Гулруҳнинг хизмат йўналиши билан қизиқаман. Бўлимдаги беморларнинг ўз вақтида, тўлиқ муолажалар олишини назорат қилиш, қўл остидаги ҳамширалар фаолиятини йўлга қўйиш, дори-дармонлар билан таъминлаш, зарур чоғда муолажаларга ёрдам бериш каби бир қатор масъуллик унинг зиммасига юклатилган. Энг асосийси, беморларнинг тезроқ оёққа туриши, ҳамширалар нинг ўз вазифасига эътибор ила ёндашиши айнан катта ҳамширадан талаб этилади. Бу борада уни бир қатор устоз шифокорлар таъкидлаб ўтганидек фидойи десак арзийди.

Гулруҳнинг адабиётга қизиқиши, сухандонлик истеъдодининг «калити»ни эса оиласи билан танишув давомида кашф этдим. У элимизнинг таниқли шоири Икром Отамуроднинг қизи бўлиб, онаси Хуррамхон Отамуродова педагогика коллежи ўқитувчиси экан. Зиёлилар оиласи муҳити эса тиббиётга меҳр қўйган қизалоқни адабиёт, санъат билан уйғунликда камолга етишига замин яратган. Бундай оила фарзандлари ватанпарварлик руҳида улғайишлари табиий ҳол. Хонадон ўғлонлари Бобур журналистика соҳасида фаолият юритаётган бўлса, Навфал олий ўқув юртида қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича таҳсил олаяпди. Кенжатой Феруз эса бу йил Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти бўлди. Ферузнинг ҳарбий касбни танлашида ҳарбий ҳамшира – Гулруҳнинг таъсири катта бўлгани аниқ.

Биз катта ҳамшира, тиббий хизмат оддий аскари Гулруҳ Отамуродова ҳақида имкон қадар маълумот беришга ҳаракат қилдик. Орзулари бисёр қизнинг келажак мақсадлари билан қизиққанимизда у вазифасини сидқидилдан бажариш билан бирга албатта, врач-психолог бўлишга ҳаракат қилишини, шунингдек, Ҳиндистонда боболаримиз қурдирган Тожмаҳал зиёратига бориш ниятини изҳор қилди. Кўриб турганингиздек, унинг келажак орзулари ҳам тиббиёт ва санъат билан ҳамнафас. Биз унинг гўзал орзулари рўёбга чиқишини чин дилдан истаймиз.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ олган сурат.

ТАЖРИБАЛИ ОФИЦЕР, МОҲИР ШИФОКОР



Тиббиёт тилида «Касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал», деган ҳикматли сўз бежиз ишлатилмайди. Чунки инсонларда касаллик аломатлари кузатилмасданоқ унга барҳам бериш ҳар томонлама самарали. Айниқса, кейинги пайтда ўлкамизда турли хил касалликларнинг оммавий тарқалиб кетишига қарши курашишда Республика Санитария-эпидемиология назорати марказининг ўрни ниҳоятда катта. Бу борада Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорат марказида олиб борилаётган ишларни ҳам алоҳида таъкидламоқ лозим. Бу ерда ўз касбининг усталари бўлган тажрибали ҳарбий шифокорлар касалликларнинг кенг тарқалиб кетмаслиги учун кечаю кундуз тиним билишмайди. Марказнинг мана шундай фидойи ходимларидан бири подполковник Бахтиёр Аҳмедовдир. Эпидемиология бўлинмаси бошлиғи сифатида хизмат қилаётган бу шифокорнинг жамоада ўз ўрни бор.

– Офицер Аҳмедов тажрибали мутахассисларимиздан ҳисобланади, – дейди биз билан суҳбатда Мудофаа вазирлиги Санитария–эпидемиология маркази бошлиғи офицер Равшан Тўхтаматов. – Кўп йиллардан буён ушбу соҳада хизмат қилиб келаётган ҳамкасбимиз табиий иқлим билан боғлиқ ушбу ҳудудда тарқалиши мумкин бўлган касалликларни жуда яхши билади. Ўз билими ва тажрибаси билан ўртоқлашиш баробарида ёш мутахассисларга тавсиялар ҳам бериб туради.

Ҳар қандай инсоннинг бирор касбга меҳр қўйишида у яшаб турган атроф-муҳит ёки оиласининг ўзига хос ўрни бор. Бахтиёр Наманган вилояти Учқўрғон тумани Қағай қишлоғида кўпчиликка ўрнак бўлган Абдусамат ака хонадонида тавалуд топган. Тўққиз фарзандни бировдан кам қилмай камолга етказган ушбу пиру бадавлат хонадонда вояга етган йигитнинг тиббиёт соҳасини танлашининг ҳам ўзига яраша сабаблари бор.

– Уйимиз шундайгина шифохонанинг олдида жойлашган эди, – дея биз билан суҳбатда болаликнинг беғубор онларини хотирлайди тиббий хизмат подполковниги Бахтиёр Аҳмедов. – У ердаги оқ халатли шифокорларни ҳар сафар кўрганимда, «Мен ҳам уларга ўхшаб беморларнинг дардига малҳам бўлсам», дея ҳавас қилардим. Шунинг учун ҳам 1989 йил мактабни тугатиб, ўз орзуимга етиш мақсадида пойтахтга йўл олдим ва Тошкент тиббиёт институтининг Санитария-гигиена факультетига ҳужжатларимни топширдим. Омадим чопиб, ўша йилиёқ талабалар қаторидан ўрин олдим. Энг қувнарлиси, ака-ука, опа-сингилларининг деярли барчаси айни пайтда тиббиёт соҳасида фаолият юритаяпти.

Бахтиёр дастлабки иш фаолиятини Наманган вилояти Санитария-эпидемиология марказида бошлади. Бу ерда умидли ёш мутахассисни илиқ қарши олган жамоа етакчилари унга ўз билим ва тажрибаларини ўргатишди. Айниқса, малакали тиббиёт ходими Каримжон Набиевдан олган билимлари унга ҳали-ҳануз асқотмоқда. Бахтиёр 1993 йил мутахассис кадр сифатида армия сафига чақирилди ва бир йил давомида Тиббий жамоанинг Санитария-эпидемиология взводини бошқарди. Қисқа хизмати мобайнида ёш ходимнинг оммавий касалликларнинг тарқалишига қарши олиб борган саъй-ҳаракати тиббий хизмат офицери Маъруфжон Мадаминов томонидан юқори баҳоланиб, унга янада масъулиятлироқ вазифа топширилди. У энди Мудофаа вазирлиги Марказий Санитария-эпидемиология лабораторияси бўлинмасига бошлиқ қилиб тайинланди. У ушбу бўлинмага етакчилик қилиш баробарида ҳудуддаги касалликларни келтириб чиқарадиган омилларни ҳам чуқур ўрганиб борди. Бу ердаги беш йиллик фаолиятидан сўнг офицер Бахтиёр Аҳмедов тажрибали мутахассис сифатида Термиз Санитария-эпидемиология отрядига бошлиқ қилиб тайинланди. Кўпчиликка маълумки, иссиқ иқлим шароити юқумли касалликларнинг оммавий тарзда тарқалишига сабаб бўлади. Қолаверса, ҳудуднинг қўшни давлатлар билан чегарадошлиги бу касб ходимларидан янада зийракликни талаб қилади. Мана шундай мураккаб иқлим шароитида юқумли касалликларнинг тарқалиб кетмаслигига қарши курашиб, ҳарбийларнинг саломатлиги йўлида фидойиларча хизмат қилган шифокор Бахтиёр Аҳмедов 2001 йил Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорат маркази эпидемиология бўлинмасига бошлиқ этиб тайинланди. Айни пайтда ушбу марказда йиллар давомида ўрганган билимларини амалиётда қўллаб, кези келганда ёшларга ўз тажрибаларини ўргатиб келаётган офицер Бахтиёр Аҳмедовни кўпчилик ўзига устоз сифатида тан олади. Ҳозирда унинг шогирдлари–капитан Ҳикматилла Ўлмасов, катта лейтенант Жамшид Қутлиев, Қуролли Кучлар хизматчиси Илҳом Абдукаримов сингари фидойи тиббиёт ходимлари умумжамоа ютуқларига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

Мана, ҳаш-паш дегунча ўлкамизда куз ҳам ўз ўрнини қаҳратон қишга бўшатиб беради. Совуқ ҳаво шароити эса грипп ва шунга ўхшаш турли юқумли касалликларнинг янада кенг тарқалишига замин яратиб беради. Юртимизда бу каби мавсумий ва номавсумий юқумли касалликларнинг оммавий тарзда тарқалиб кетмаслиги йўлида офицер Бахтиёр Аҳмедов ва унинг жамоадошлари ҳар доимгидек куюнчаклик билан меҳнат қилиб келишмоқда.

Сейман НАЗАРОВ.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ олган сурат.

ШИРИН СЎЗИ БЕМОРГА МАЛҲАМ



Беморларни жиддий назоратдан ўтказиб, уларга тўғри ташхис қўйишда Мудофаа вазирлиги Марказий поликлиникасининг функционал ташхис бўлими кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқда. Айниқса, бу ерда тажрибали тиббиёт ходимларининг самарали хизматлари ўлароқ, ҳар қандай бемор касаллиги зудлик билан аниқланиб уларга қандай муолажа қўллаш лозимлиги кўрсатиб берилади.

Тасаввур қилинг, беморнинг касаллигини аниқлашда хатога йўл қўйилди. Тўғри, бундай пайтда асосий азиятни бемор чекади. Лекин мижозга ташхисни нотўғри қўйган шифокор ҳам эътибордан четда қолмайди. Чунки улар беморларнинг ҳаётига жавобгарлик масъулиятини ўз гарданларига олишган. Қолаверса, Гипократ қасамёдига амал қилиш уларнинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Бир неча йилдан буён эгнига оқ халатни кийиб, беморларнинг саломатлиги йўлида тиним билмай келаётган Қуролли Кучлар хизматчиси Шоҳида Исакованинг асосий иш вақти унга умид билан боққан хаста дилларга шифо улашиш билан ўтади. Ҳар куни янги куч-ғайрат билан иш жойига қадам ранжида қилган шифокор эрта тонгдан кечгача турли беморлар билан мулоқотда бўлар экан, бир он бўлса-да, уларнинг қалбига ёруғлик олиб киришга ҳаракат қилади.

– Бу менинг касбим тақозо қиладиган биринчи галдаги вазифам, – дейди биз билан суҳбатда самимийлик ила Шоҳида Исакова. – Шифокор аввало ширин сўзи билан беморга малҳам бўлмоғи лозим. Устозларим – тиббий хизмат полковниги Азамат Акзамов, Қуролли Кучлар хизматчилари Машҳура Кенжабоева, Мағдия Мақсумова ҳамда Феруза Қосимоваларнинг биринчи ўргатган сабоғи ҳам айнан шу насиҳатдан иборат бўлган. Кейин эса улар касб сирларини ўзлаштиришимда яқиндан кўмак беришган.

Ўқитувчилик касби орқали узоқ йиллар ёшларга зиё улашган Иброҳимжон ака ва Муборакхон опаларнинг тўнғич фарзанди бўлган Шоҳидахон аввалига ота-онаси сингари ўқитувчи бўлишни кўнглига тукканди. Лекин юқори синфда ўқиб юрганида бирданига шифокор бўлишга аҳд қилди. Шунда Иброҳимжон ака «Қайси касбни танлашингдан қатъи назар одамларнинг дардига дармон бўлишингни истайман», дея қизини Андижон тиббиёт институтига бошлаб борди. Ўшанда марғилонлик бодомқовоқ бу гўзал қиз ўзининг зукколиги билан домлаларни лол қолдирганча, аъло баҳолар билан талабалик бахтига муяссар бўлди. Шоҳида олий ўқув юртини тугатгач, уларнинг уйидан совчиларнинг кети узилмай қолди. Совчиларнинг орасида унинг синф раҳбари ҳам бор эди... Шоҳида шифохонада беморларни қабул қилаётганда ҳарбий либосдаги кўркам бир йигит тўғри унинг олдига келиб, дабдурустдан «Мен сизни Марига олиб кетгани келдим» деди. Аввалига гап нимадалигини билмай шошиб қолган қиз, бироз вақт ўтиб унинг мақсадини англаб етди. Бу ёш офицер қадрдон ўқитувчисининг Туркманистоннинг Мари шаҳрида хизмат қилаётган ўғли Маъмуржон экан... Шундай қилиб, юлдузи юлдузига тўғри келган икки ёш оила қуриб йигит айтгандек, тўйдан сўнг ўн кун ўтар-ўтмас Мари томон йўл олишди. Турмуш ўртоғининг хизмати юзасидан уч йил туғилган жойидан йироқда, мусофирчиликда яшаган ёш оила ришталари янада мустаҳкамланди. Бу орада уларнинг тўнғич фарзанди Азамат дунёга келди. Фарзанд, оила юмушларидан вақт ажрата олган Шоҳида касбий фаолиятини ҳам тўхтатиб қўймади. 1989 йил Фарғона шаҳрига кўчиб келишгач, Шоҳида ҳарбий госпиталда терапевт сифатида иши фаолиятини давом эттирди. 2004 йилда улар пойтахтга кўчиб келишди.

– Ҳарбийнинг рафиқаси бўлишнинг ўзига яраша қийинчилиги ва масъулияти бор, – дейди суҳбатдошим. – Хизмат юзасидан кўчиб борган янги жойга мослашмасдан туриб, янги бир шаҳарга ёки чекка бир қишлоққа боришга тўғри келиб қолади. Бундай пайтда эр-хотин бир-бирини қўллаб-қувватласа, бир-бирига далда бўлса, албатта барча қийинчиликлар ортга чекинаркан.

Бундан уч йил олдин Шоҳида Исаковани тажрибали мутахассис сифатида Мудофаа вазирлиги марказий поликлиникасининг функционал ташхис бўлимига бошлиқ сифатида қабул қилишди. Ўтган давр мобайнида у ўзининг фидокорона хизматлари билан ишончни оқлаб келмоқда.

– Шоҳида Ибрагимовнани малакали шифокор сифатида жамоада кўпчилик ҳурмат қилади, – дейди Мудофаа вазирлиги Марказий поликлиникаси бошлиғи офицер Зокир Худойберганов. – Айниқса, унинг ўз касбига бўлган масъулиятини ҳар қанча мақтаса арзийди.

Айни пайтда икки фарзандининг онаси, бахтли бир оиланинг бахтиёр бекаси ва тиббиёт масканининг фидойи ходими сифатида Шоҳида Исаковага кўпчилик ҳавас қилади.

Карина ҚУРБОНОВА.
Баҳром Абдураҳимов олган сурат.

ЎҚУВ ЙИҒИНИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталида ҳарбий қисмлар ва муассасалар тиббиёт хизмати бошлиқларининг ўқув-услубий йиғини бўлиб ўтди. Йиғинда Мудофаа вазирининг ўринбосари полковник Виталий Ходжақулов иштирок этди.

Ўтган йиллар мамлакатимизда ҳар бир соҳада кенг қамровли, изчил ислоҳотлар амалга оширилди. Мазкур ислоҳотлар сабаб соғлиқни сақлаш тизимида ҳам салмоқли ишлар қилинди. Мамлакатимиз раҳбарининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони бу борада, яъни тиббиёт соҳасида янада жиддий янгиланишлар сари ташланган яна бир дадил қадамдир. Бу ўз навбатида юртимизда соғлиқни сақлаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганлигининг амалдаги ифодасидир.

Мудофаа вазирлиги тизимида ҳам тиббиёт соҳасида қатор сермаҳсул ишлар амалга оширилди. Бу ҳақда Мудофаа вазирлиги тиббиёт бошқармаси бошлиғи тиббий хизмат полковниги Азамат Акзамов жумладан, шундай деди:

– Дунё тажрибасидан ҳам маълумки, тиббиёт соҳаси ҳамиша янгиланиб, ўзгариб туради. Мазкур соҳа такомиллашиб, янгидан янги технологиялар кириб келмоқда. Биз ҳам тиббиётдаги ҳар бир жиддий янгиликни ҳаётга тадбиқ этишга ҳаракат қиляпмиз. Жорий йилда Мудофаа вазирлиги соғлиқни сақлаш тизимида ҳам таҳсинга арзирли ишлар амалга оширилди. Янги қурилиб фойдаланишга топширилган госпиталь, лазарет, тиббиёт пунктлари ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларига хизмат кўрсатмоқда. Деярли барча тиббиёт маскани да улкан таъмирлаш ишлари олиб борилди. Замон талабларига мос тарзда, барча қулайликлар яратилиб, жиҳозлар билан таъминланди. Тиббиёт ходимларининг касб малакасини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Шиддатли давр саломатлик посбонларининг тинимсиз изланишда бўлишларини тақозо этади.

Тадбирда 2007 йилнинг шу кунига қадар Мудофаа вазирлиги тизимида тиббиёт соҳасида амалга оширилган ишлар, тиббий хизматнинг жойлардаги ҳолати, белгиланган вазифаларнинг қай тарзда бажарилганлиги ва келгуси режалар батафсил таҳлил қилинди.

Ўқув-услубий йиғин уч кун давом этди. Йиғинда тиббий хизмат етакчиларининг ўз соҳаларига доир маърузалари тингланди. Албатта, тиббий хизмат соҳасида ҳам ечимини кутаётган муаммолар бор. Уларнинг ечими ҳам ана шундай биргаликда, чуқур таҳлилларга асосланиб ҳал қилинади.

Йиғининг дастлабки кунида тиббий хизмат офицерлари–А.Раҳимов, Р.Тўхтаматов, А.Қодиров, Ш.Ачилов, А.Азимов, М.Сиддиқовларнинг таҳлилий маърузалари тингланди. Кўргазмали воситалар орқали ўтказилган машғулотларда йиғин иштирокчиларининг фаоллиги янада ошди. Мазкур ўқув-услубий йиғин тиббиёт мутахассислари учун ўзига хос тажриба алмашув ҳам бўлди, дейиш мумкин. Бу ерга йиғилган мутахассислар тиббиётнинг турли йўналишлари бўйича етакчилик қиладилар, аммо мақсад муштараклиги уларни биргаликда фикрлашга, биргаликда муаммоларни ҳал қилишга ундайди.

Тадбир иштирокчиларининг машғулотлардан бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминлаш мақсадида маданий тадбирлар режаси ҳам ишлаб чиқилган эди. Унга мувофиқ йиғин иштирокчилари пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари, маълуму машҳур музейларида бўлдилар. Тадбир якунида тиббий хизматни янада такомиллаштириш юзасидан 2008 йилда қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.


Наши юбиляры

«ФИЗКУЛЬТУРА – ЛУЧШИЙ ЛЕКАРЬ»

На днях в клубе Центрального военного клинического госпиталя состоялось чествование полковника в отставке Костенко Виктора Павловича. Ветеран военной хирургии в свои семьдесят лет и сегодня в боевом строю. Продолжает трудиться в должности хирурга по заболеваниям легких и грудной полости, передает свой богатый опыт новому поколению узбекистанских военных врачей.

– В чем секрет столь удивительного и деятельного долголетия? – задал я юбиляру вопрос, который живо интересует всех военнослужащих.

– Физкультура – лучший лекарь, – не задумываясь, ответил Виктор Павлович. – И это лучше всего понимают сами врачи. С ранних лет, приобщившись к спорту, я всегда стремился поддерживать себя в отличной физической форме. Лично я имею склонность к водным видам спорта, мастер спорта по гребле на байдарке. В армии получил первый разряд по лыжам. Регулярно и с удовольствием занимался игровыми видами спорта, такими как волейбол, баскетбол. И сегодня не пью, не курю, просыпаюсь в 6.00, занимаюсь ходьбой. Ежедневная ходьба на один-полтора километра, летом – бассейн, не дают расслабиться, помогают сохранить высокую работоспособность. Весь мой опыт говорит, что профилактика – залог крепкого здоровья. Каждому, кто хочет сохранить здоровье и работоспособность могу посоветовать: занимайтесь физкультурой, по всем вопросам, связанным с болезнями, обращайтесь только к врачам, не верьте колдунам, знахарям и прочим чудотворцам. Ваше здоровье не в чудесных рецептах и дорогих лекарствах, а в регулярных занятиях спортом.



Вся жизнь Виктора Павловича – наглядный пример верности врачебному и воинскому долгу. Он много учился, закончил Военно-медицинскую академию. Прошел путь от врача воинской части до главного хирурга военного округа. Прожив большую часть жизни в Узбекистане, он хорошо знает особенности военной службы в нашем регионе, имеет огромный опыт проведения хирургических операций в самых различных условиях.

Среди военных врачей, с гордостью называющих себя его воспитанниками, известные в наших Вооруженных Силах специалисты полковники Борис Слизский, Игорь Грачев, Ориф Инамов, подполковник Дмитрий Сандов и многие другие офицеры. Многие из них сегодня возглавляют самые ответственные участки работы на поприще поддержания здоровья и лечения военнослужащих.

Наверное, нет нужды перечислять всех, кто благодарен заслуженному врачу Узбекистана, хирургу высшей категории Виктору Костенко. Лейтенант Г. Турдибаев и подполковник М. Хан, сержант Ж. Исенкобилов и рядовой Р. Рузиев, Н. Ибрагимова и Р. Исакова – все они вернулись к нормальной жизни благодаря умелым рукам этого человека. Виктор Петрович провел за свою жизнь тысячи операций, поставил на ноги и вернул в строй немало военнослужащих. И сегодня, когда в госпитале особо тяжелый случай, он, если не оперирует сам, то обязательно присутствует. Помогает решать самые сложные вопросы, возникающие уже в ходе лечения.

– Это грамотный, преданный своему делу, постоянно заботящийся о больных, умелый специалист, – говорит о своем коллеге заведующий операционным отделением полковник в отставке Талат Исамухамедов.– Виктора Петровича трудно перехвалить, ведь благодаря его умению и трудолюбию возвращаются в воинский строй те, кто порой уже и не надеялся на полное выздоровление.

У человека, ведущего здоровый образ жизни, и работа спорится, и в семейной жизни полный порядок. Супруга Валентина Никифоровна на заслуженном отдыхе. Старший сын, Эдуард, отслужив после окончания ТВОКУ положенный срок, уже на пенсии. Младший сын Владислав работает на фирме. Двое внуков учатся: Наташа–студентка, а Владислав – заканчивает школу.

Завершая беседу, я не удержался и задал традиционный вопрос, который всегда интересует наших читателей:

– Как долго вы еще думаете работать?

– Пока руки уверенно держат скальпель, буду трудиться. Ведь в моей профессии вся моя жизнь. И если бы я мог вернуть молодость, то и тогда снова повторил бы свой путь военного врача-хирурга.

Майор З. ХАЙРИТДИНОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ


ТАН ОЛДИ КУРАШНИ ЖУМЛАИ ЖАҲОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Албатта, бунда 1992 йилдан буён ўтказиб келинаётган нуфузли беллашувлар, яъни Қоракўлда Турсун ота, Шаҳрисабзда Амир Темур, Сурхондарёда ат-Термизий, Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд, Андижонда Бобур Мирзо, Хоразмда Паҳлавон Маҳмуд сингари халқаро турнирларнинг анъанавий ташкиллаштирилиши ўзбек курашининг юксак даражага кўтарилишида, жаҳон спорт оламига янги тур бўлиб киришига катта ҳисса қўшди. Чунки кураш илк мусобақаларидаёқ жозибадорлиги ва жанговарлиги, гўзаллиги ва ҳалоллиги билан барча иштирокчиларнинг, хорижий мутахассисларнинг меҳрини қозонди. Тўғри, миллий спорт туримизни дунёвий мусобақага айлантириш учун мамлакатимизда ташкил этилган мазкур беллашувлар камлик қилар эди. Шунинг учун Жанубий Корея, Канада, Литва, Япония, Ирландия, Ҳиндистон, Монако ҳамда Москва шаҳрида ўтказилган йирик спорт мусобақаларида тўпланган мутахассис ва мухлисларга Комил Юсупов бошчилигидаги ташаббускорлар томонидан ўзбек кураши ҳақида атрофлича маълумотлар бериш билан бир қаторда, кўргазмали чиқишлар намойиш этиб борилди. Тинимсиз меҳнат, изланишу саъй-ҳаракатлар бесамар кетмади. **1998 йилнинг 6 сентябрь куни** Ўзбек курашининг бир неча минг йиллик тарихи саҳифаларига оламшумул воқеа юз берган кун сифатида зарҳал ҳарфлар билан битилди. Лотин Америкаси, Европа ва Осиё қитъасининг 28 давлати вакиллари иштирокида Тошкентда бўлиб ўтган таъсис конгрессида **Халқаро Кураш Ассоциацияси (ХКА)** тузилди. Ўз ўрнида бу халқимизнинг миллий қадрияти «Ўзбек кураши» номи билан жаҳон майдонига чиққанлигини кўрсатди. Мазкур конгресснинг ўзида ХКА нинг Ижроия кўмитаси ташкил қилинди ва ўзбек курашининг халқаро қоидалари бир овоздан маъқулланди. Халқнинг қадим қадрияти, ори ва ғурури бўлган курашнинг жаҳонга юз тутишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган **мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Халқаро Кураш Ассоциациясининг доимий фахрий Президенти, Комил Юсупов эса ХКА Президенти** этиб сайланди.



Комил Юсупов
Халқаро кураш
Ассоциацияси президенти



Ҳа, миллий спорт туримизнинг янада шуҳрат топишида таниқли полвон, миллатимизнинг фидойи фарзанди Комил Юсуповнинг улкан ҳиссаси бор. Аслида курашни спорт тури сифатида ривожлантириш, дунё миқёсида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ҳамда жаҳонга олиб чиқиш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар Комил Юсуповда 1980 йилларда туғилганди ва бу ғоя изчиллик билан илгари сурилди. Бу вақт давомида у номдор полвон сифатида юртимизда ўтадиган тўйларда – «давра курашида» мунтазам иштирок этиш билан бир пайтда, миллий спортимиз анъанаси, удумлари ва урф-одатларини ўрганишга ҳам қизиқарди. **Мустақиллик шарофати билан ўзбек кураши оламшумул мавқега эришди.** 1992 йил 14 апрелда Республикамиз Президенти Ислом Каримов ўзбек курашининг жонкуярларидан бири Комил Юсуповни суҳбатга чорлаб, миллий ғурур, қадрятлар, халқимизнинг урф-одатлари, ҳалоллик, мардлик, фидойилик сингари фазилатларини ўзида мужассамлаштирган ўзбек курашини миқёсга кўтариш хусусида бир қатор қимматли кўрсатмалар берди. Мулоқот чоғида Юртбошимизнинг «Нима учун бошқа халқларнинг миллий спорт турлари қатори ўзбек курашини жаҳон майдонига олиб чиқиш мумкин эмас?» деган ҳаққоний саволлари полвонзода қалбидаги эзгу орзуни аланга олдирди. Шундан сўнг, Комил Юсупов иқтидорли мутахассис сифатида курашимизнинг сир-асрорларини илмий жиҳатдан ўрганди, янги қоидаларини, мусобақаларни ўтказиш тартибини, ҳакамлар ва полвонлар кийимларини жаҳон андозаларига мос равишда ишлаб чиқди. Айни пайтда эса дунё миқёсида ўтказилаётган барча кураш мусобақалари ана шу янги қоидалар асосида ўтказиб келинмоқда.

Республикамиз Президенти 1999 йилнинг 1 февралида «Халқаро Кураш Ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди. Ўз вақтида қабул қилинган бу Фармон мардлик, жасурлик, ватанпарварлик, инсонийлик ғояларини ўзида мужассамлаштирган ўзбек курашининг нафақат Ўзбекистонда, балки **бутун жаҳонда** кенг қулоч ёйишига хизмат қилди, десак янглишмаган бўламиз.

– Бугунги кунда дунёнинг беш қитъасидаги юздан ортиқ мамлакатларда, жумладан, Канада, Боливия, Бразилия, Жанубий Африка республикаси, Буюк Британия, Голландия, Туркия, Ҳиндистон, Таиланд ва Японияда ўзбек курашининг минглаб ихлосмандлари бор, – дейди биз билан суҳбатда Халқаро Кураш Ассоциацияси Президенти Комил Юсупов. – Қизиғи шундаки, ҳатто ўзбекистонликлар учун маданияти бироз нотаниш бўлган Доминикан Республикаси, Парагвай, Эквадор, Замбия, Нигерия мамлакатлари ҳамда Маврикия ороллари аҳлининг ўтюрак ва шижоатли ўғлонлари ҳам миллий спортимиз ҳақида яхши билишади. Ўз ўрнида улар зўр қизиқиш, иштиёқ билан кураш усулларини ўрганишмоқда.

Ҳозирга қадар эса Америка, Африка, Европа ва Осиёдаконфедерациялар ташкил қилинган. Улар бу оммабоп спорт турини тарғиб қилиш учун айни дамда ўз фаолият доираларини янада кенгайтирмоқда. Бугунги кунда 102 давлатнинг Кураш Миллий Федерациялари Халқаро Кураш Ассоциациясининг тўлақонли аъзоси ҳисобланади. Шуни қувонч билан айтиш керакки, Халқаро Кураш Ассоциацияси Ижроия қўмитасининг таркиби амалий жиҳатдан шаклланиб бўлди.

«Ўзбек кураши жаҳонни қамраб олмоқда», дея ҳавас ва фахр билан айтилган бу сўз бугун том маънода ўз исботини топмоқда. Айниқса, Ҳиндистон ва Буюк Британияда бизнинг курашимизни ривожлантириш ва оммалаштириш борасида қилинаётган ишлар таҳсинга лойиқдир. Ҳиндистоннинг мактаб ва коллежларида 600дан ортиқ кураш тўгараклари очилгани бизни ниҳоятда хурсанд қилди. Айни пайтда бу ерда юзлаб, минглаб ёшлар ўзбекнинг кўк ва яшил рангдаги якгагини кийиб, гиламда бел олишмоқда. Айниқса, Деҳли, Панжоб, Чандигар каби йирик шаҳар ва штатларда кураш учун мажмуалар ажратилган. Эътиборлиси, кўплаб ихлосмандлар хусусий кураш залларини очиб, полвонларни тарбиялашмоқда, мусобақалар ўтказишмоқда.

– Демак, жаҳонда ўзбек кураши билан боғлиқ ёдда қоладиган воқеалар талайгина экан-да?

– Ўзбек кураши тарихида ёдда қоладиган, эслаганда кишини ҳаяжонлантирадиган воқеалар жуда кўп. Улардан энг қувончлиси, Европанинг нақд юраги – Буюк Британиянинг Бедфорд шаҳрида кураш бўйича «Ислом Каримов турнири»нинг юксак савияда ўтказилишининг ўзиёқ миллатдошларимизнинг қалбида фахр туйғусини алангалатди. Ушбу спорт мусобақаси дастлабки ўтказилган йил турнир иштирокчилари Халқаро Кураш Ассоциациясининг доимий Фахрий Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига мурожаатнома йўллашди. Унда шундай минатдорчилик сўзлари мужассам эди: **«Шуни ишонч билан таъкидлаймизки, бу мусобақа Буюк Британияда анъанавий халқаро турнир мақомига эга бўлади ва янги минг йилликда дунёда ўзбек кураши довруғининг янада ортишига, жаҳон халқлари ўртасидаги дўстлик ва биродарликни мустаҳкамлашга хизмат қилади».**

Бир нарса кечагидай ҳали эсимда, турнирни томоша қилиб турган Ўзбекистон Қаҳрамони, халқимизнинг севимли шоири Абдулла Орипов даврада иккита инглизнинг ўзбекча кураш тушаётганини кўриб, «Исмларини демаса, улар ўзимизнинг ўзбекларга жуда ўхшар экан», деган эди. Бундан шундай хулосага келса бўладики, «Ислом Каримов турнири» оддий спорт мусобақасигина эмас, орзу-интилишларни яқинлаштирадиган, ижтимоий маънода мамлакатлар миқёсидаги тадбир эканлиги яққол кўринади. Олис Англияда нафақат эркаклар, балки аёллар ва болаларнинг ҳам кураш майдонига чиқаётгани ўзбек кураши халқчиллигидан, оммавийлигидан далолат беради.

– Баъзи бир тарихий манбааларда миллий спортимизнинг ёши 3 минг йилдан зиёд эканлиги қайд этилган...

– Тўғри, бугун жаҳон назарига тушиб, довруғ ва шуҳрат қозонаётган, миллионлар оммасини ўзига маҳлиё этаётган ўзбек кураши ҳам ўтмиши буюк халқимиз маънавий қадриятларидан бири сифатида ўзининг чуқур илдизларига эга. Олиб борилган кўп йиллик тадқиқотларига кўра, археологик илмий кузатувлар, қидирув натижасида аниқланган бир қатор ашёвий далиллар шуни исботладики, **ўзбек курашининг ёши ҳақиқатда ҳам 2,5-3 минг йилдан зиёд экан.** Сурхон, Зарафшон воҳалари ҳамда Фарғона водийсининг бир қатор қадимги аҳоли манзилгоҳларида аниқланган ноёб топилмалар, осори-атиқалар, қояларга битилган тасвирий санъат намуналари ҳам бунга тўла шоҳидлик беради.

Ҳозирги кунда янада чуқурроқ илмий тадқиқини кутаётган 6 та топилма мавжудки, уларда курашимизнинг янада қадимийлиги, унинг ўзига хос бир қатор муҳим жиҳатлари акс этганлигига тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин. Биргина Панжикентдан топилган олишаётган икки паҳлавоннинг деворий сурати Сўғдиёна давлатчилигига, яъни ўрта асрлар даврига оид ноёб ёдгорлик саналади. Шундай ашёлардан яна бири цилиндр шаклидаги сопол идиш бўлиб, у қадимги Бақтрия (жанубий Ўзбекистон) ҳудудидан топилган. Унинг бир парчасида икки курашчи ва улардан бирининг ўз рақибини оёғидан чалаётгани тасвирланган. Яна бошқа идиш гардишидаги ҳайкалчаларда ҳам паҳлавонларнинг қўлларини кўтариб курашга шайланаётган ҳолати ўз ифодасини топган. **Мазкур идишлар бронза даврига оид бўлиб, у ўзбек курашининг тарихи янаям кўпроқ, 3,5 минг йилга тенг эканлигини исботламоқда.**

Филология фанлари доктори Комил Имомовнинг тадқиқотларига кўра, энг қадимги достон, эртак ва ривоятларда ҳам кураш ҳақида лавҳалар учрайди. Уларнинг мазмунига диққат қилсангиз, матриархат даврига тегишли эканлигига амин бўласиз. Бундан келиб чиқадики, ўзбек курашининг тарихи 5 минг йил олдинги мозийга бориб тақалади.

– Демак, ўша пайтлардаёқ курашнинг шаклланиши биз яшаб турган ҳудудда азалдан инсоннинг жисмоний баркамолликка катта эътибор берилганини кўрсатади, шундай эмасми?

– Манбаларда келтирилишича, туб аҳоли ҳаётида кураш анъанасининг уч тури мавжуд бўлган. Унинг энг дастлабкиси, жисмоний машқ сифатида – экзогам никоҳ маросими билан боғлиқ ҳолда юзага келган. Никоҳ маросимида бўлажак келин-куёвнинг кураш тушишини ўша даврдаги ҳукмрон аёллар уюштирган. Бу ҳодиса матриархат салтанатининг эрни синаш ва танлаш ҳуқуқи заминида келиб чиққан. Замонлар ўтиши билан мазкур анъананинг шакли бироз ўзгарган. Яъни бунда келин куёв бўлмиш билан кураш тушишдан аввал бирор душман билан тушиши ва уни енгиши лозим бўлган. Эндигина пайдо бўла бошлаган патриархат муносабатларга қарши зиддиятлар ҳам айни шу замонда юзага келгандир. Кейинчалик эса қизлар ўзини яккама-якка жангда енган йигитга турмушга чиққанлар.

Эпик курашнинг учинчи хил намунасида қиз куёвликка даъвогар йигитлардан ғолибини танлаган. Бунда ўз-ўзидан аъёнки, энди қиз кураш тушмайди, бироқ шарт қўйиш ва танлаш ҳуқуқини сақлаб қолади. «Алпомиш», «Одисея» ва «Рамаяна» сингари дунёвий эпосларда ана шундай лавҳаларни кузатишимиз мумкин. Одатда бундай кураш усули қадимдан бизнинг ҳудудда Наврўз кунларида катта шодиёна билан ташкиллаштирилган.

– Кураш этикаси ҳақида «Кураш: халқаро қоидалари, техникаси ва тактикаси» номли китобингизда ҳам фикр юритган экансиз. Хўш, бунда спортчи нималарга эътибор қаратиши лозим?

«Критически оценивая наши успехи и достижения, – говорил на торжественной церемонии, посвященной 16-летию независимости нашей республики, Президент Ислам Каримов, – не впадая в эйфорию, нам необходимо ставить перед собой высокие рубежи и долгосрочные благородные цели, первостепенной же задачей, находящейся в центре постоянного внимания, было и остается повышение жизненного уровня и благосостояния народа». Это благородная задача уже реализуется: с 16 ноября размеры, заработной платы, пенсий, стипендий и различных пособий вновь увеличиваются на 20 процентов. И это вполне естественно, потому что Президентом страны поставлена как важнейшая приоритетная задача в течение ближайших трех лет увеличить размеры заработной платы рабочих и служащих, пенсий, пособий и стипендий в 2–2,5 раза.

Нельзя не сказать и еще об одном. За годы независимости неизмеримо возрос авторитет Узбекистана на мировой арене. К голосу его лидера прислушиваются на всех континентах, его труды изучают, а выводы и рекомендации принимают как должное. Потому что внешнеполитическую деятельность Узбекистана отличают глубокое проникновение в сущность проблем, взвешенность и практицизм, забота не на словах, а на деле о мире и стабильности, взаимном уважении и согласии. Потому что в условиях глобализации Ислам Каримов строит свою внешнеполитическую деятельность исходя из интересов народа, сохранения свободы и независимости, надежной защиты государственного суверенитета страны, ее территориальной целостности, сохранения мира и благополучия народа. И как следствие этого – особое внимание укреплению обороноспособности страны, кардинальное реформирование армии и повышение ее боевой готовности до уровня, который диктует нам наше сложное и неспокойное время.

Сегодня наши успехи на устах у многих людей самых разных профессий и направлений. Комментарии, отклики, как правило, в высшей степени восклицательные. Приведу для примера один из них. Депутат Национальной Ассамблеи Республики Корея Шым Дже-ток говорит: «Когда страну возглавляет такой лидер, ясно видящий не только стратегию долгосрочного развития общества, но и могущий определить конкретные пути ее реализации, – это большое счастье и удача любого народа, особенно на этапе переходного общества. Поэтому у Узбекистана действительно большое будущее».

Достигнутые нашим народом успехи в этом году – реальное тому подтверждение. Наша стратегия, разработанная Президентом Исламом Каримовым, успешно реализуется. Потому что она полностью соответствует интересам народа, служит народу и возвышает его духовно, обеспечивает материально, укрепляет его веру в прекрасное будущее. И наш гражданский, патриотический долг – отдавать все свои силы, знания, опыт делу повышения экономического могущества страны, укрепления Вооруженных Сил, повышения их боевой готовности и бдительности.

Анфим ХЛЫЗОВ.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ЭЛ СОҒЛИГИ – ЮРТ ҚУДРАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Замонавий, халқаро андозаларга мос тиббий хизмат тизимини ташкил этиш – бу соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош вазифасидир. Мақсад эса юқорида таъкидланганидек, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш билан бир қаторда ҳар жиҳатдан баркамол, соғлом авлодни вояга етказиш ва шу орқали миллатни соғломлаштиришдан иборатдир. Шу боисдан ҳам мустақилликдан кейин бу тизимни қайтадан ислоҳ қилишга катта эътибор берилди. 1998 йилда Президентимиз Фармони билан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастурининг қабул қилиниши соғлом турмуш тарзини ташкил қилиш, соғлом авлод тарбияси ва миллат саломатлиги йўлида ташланган яна бир муҳим ва залворли қадам бўлди.

Ўтган давр мобайнида мазкур давлат дастурининг энг муҳим қоидалари ва мақсадли вазифалари муваффақиятли амалга оширилди. Биринчи навбатда, тиббий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта кўриб чиқилди, республикада соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишнинг принципиал янгича ёндашувлари ишлаб чиқилди. Жарроҳлик, кардиология, кўз микрохирургияси ва урология соҳаларида энг замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ташкил этилди. Аҳолига юқори малакали бепул шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳам ягона тизим яратилди. Бу тизим туман ва шаҳарларда энг юқори талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ва 174 та туман ва шаҳар бўлимларидан ҳамда тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат бўлиб, уларнинг фаолиятларига раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш ишлари Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази томонидан амалга оширилиши йўлга қўйилди. Шу билан бирга соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида қишлоқ жойларида соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини мустаҳкамлаш ва уларни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилди. Чунки мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпроғи қишлоқларда истиқомат қилишади. Шу сабабли уларнинг саломатлигини назорат қилиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Давлат дастурига мувофиқ, республикамиздаги барча туман ва қишлоқлардаги тиббий врачлик пунктлари ўрнида қайта қурилган ва замонавий кўринишга эга бўлган биноларга қад кўтарди. Маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган қисқа давр ичида республика бўйича 3100 тадан кўпроқ қишлоқ врачлик пунктлари вужудга келди. Мамлакатимизнинг пилот ҳудудларида 1998 йилга нисбатан ушбу врачлик пунктларига аҳолининг мурожаат қилиши икки баробарга кўпайди. Мутахассисларга маслаҳат учун йўлланма билан бориш 33,5 фоизга, беморларни стационарларга ётқизиш 26,8 фоизга қисқарди.

1999–2006 йиллар давомида давлат бюджети ҳисобидан соғлиқни сақлаш соҳасидаги қурилиш объектларига ва уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга жуда катта маблағ сарфланди. Даволаш-профилактика муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва бунинг учун чет эл сармояларини жалб этиш учун қатор лойиҳалар амалга оширилди. Сўнгги ўн йил давомида Япония ҳукумати томонидан Ўзбекистонга 26,0 млн АҚШ доллари, шунингдек, кичик масштабдаги грантлар доирасида 2,4 млн АҚШ доллари ҳисобидан тиббий муассасаларни жиҳозлаш учун зарур асбоб-ускуналар, жиҳозлар сотиб олинди. Ҳозирда Тошкент ва Жиззах вилоятларида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада яхшилаш лойиҳасини амалга ошириш учун 595 млн иен миқдоридаги маблағ ўзлаштирилмоқда.

Бугун мамлакатимизда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг мукаммал тизими ишлаб чиқилди. Пойтахтимизда эса Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази муваффақиятли фаолият юритмоқда. Бу ерда қилинаётган ишлар эса қисқа вақт ичида нафақат МДҲ, балки бутун дунё тиббиётчилари эътирофига сазовор бўлмоқда. Айни вақтда Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоятларда унинг 12 та филиали, туман ва шаҳарларда 174 та бўлимлари ишлаб турибди. Ушбу марказ тизимига «Тез ёрдам» тиббий хизмати ва санитария авиацияси киради. Ҳар йили улар томонидан олти миллиондан ортиқ аҳолига кафолатланган, бепул шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилади. Давлатимиз томонидан ушбу тиббий хизмат тизими муассасаларининг фаолиятини янада яхшилаш, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини юксалтириш мақсадида кадрлар малакасини ошириш ва бўлинмаларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга катта эътибор қаратилмоқда. Биргина ўтган йили 400 нафардан ортиқ шифокорлар хорижда малака оширишди. Улардан бир қисми Россия, Германия, Буюк Британия, Туркия, Ҳиндистон, Миср Араб Республикасидаги кўзга кўринган тиббиёт муассасаларининг иш тажрибаси билан танишиб қайтишди. Айни дамда ушбу марказларда ўз соҳасининг билимдони бўлган малакали шифокорлар, аҳолига юқори даражада тиббий хизмат кўрсатишмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар сирасига оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар соғлиғини муҳофаза қилишдек муҳим йўналиш ҳам киради. Сўнгги йилларда республикада хотин-қизлар ва болалар соғлиғини яхшилашда салмоқли ривожланишга эришилди. Маълумки, мамлакатимиз ўзига хос ижтимоий-демографик хусусиятлари билан ажралиб туради. Туғилиш, табиий ўсиш даражасининг юқорилиги, аҳолининг ёш таркиби ва бошқа белгилар соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга алоҳида аҳамият беришни талаб этади. Айнан шунинг учун ҳам мамлакатимизда ушбу соҳада иқтисодий ривожланган мамлакатлар андозаларига мос келадиган меъёрий-ҳуқуқий база, катта салоҳият ва ташкилий-иқтисодий механизмлар яратилди.


Соғлик – инсоннинг энг катта бойлиги. Тиббиёт ходимлари сизу бизнинг ана шу бойлигимизни ҳимоя қиладилар. Одатда беморлар учун шифокорлар билан бир қаторда ҳамширалар ҳам жон куйдирадилар. Бугунги кунда мамлакатимизда мавжуд тиббиёт муассасаларида 260 минг нафардан ошиқ ҳамширалар халқимиз саломатлигини сақлаш ва тиклаш йўлида жонбозлик кўрсатишаяпти. Бугунги ҳамширалар илгариги тиббиёт ходимларидан ўзларининг касб маҳорати билан тубдан фарқ билади. Биргина мисол, ҳозирги кунда республикамиз қишлоқ врачлик пунктларида фаолият кўрсатаётган 300 нафардан ортиқ ҳамширалар Исроил давлатида, вилоят ҳамда шаҳар даволаш-профилактика муассасаларининг 20 нафар бош ва катта ҳамширалари Япониянинг нуфузли тиббий масканларида малака ошириб қайтишди. Чунки ҳамширалар фаолиятида энг янги технологияларни жорий этиш бугунги куннинг долзарб ва муҳим вазифасидир. Шунинг учун 2004 йилдан бошлаб мамлакатимизда ҳамширалар таълимини такомиллаштириш мақсадида 1-Республика тиббиёт коллежи ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази билан ҳамкорликда ҳамшираларни тайёрлашда янги технологияларни жорий этиш, беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш усулларини янада кучайтириш мақсадида «Ҳамширалар таълимини такомиллаштириш» лойиҳаси амалга оширилиши йўлга қўйилди ва шу асосда ўқув дастурлари ишлаб чиқилаяпти. Бир сўз билан айтганда тиббий кадрларни тайёрлаш тизими ислоҳ қилинмоқда. Олий тиббий таълимнинг замонавий икки босқичли тизими жорий этилди, Тошкент тиббиёт академияси ташкил қилинди. Олий ўқув юртларида олий маълумотли ҳамшираларни тайёрлаш ташкил қилинганлиги ҳам принципиал янгилик ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида қабул қилинган чора-тадбирлар инсонларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш имконини бераяпти. Албатта, бу каби имкониятлар мустақиллик шарофати билан қўлга киритилди. Зеро, халқимизнинг сиҳат-саломатлигини муҳофазалаш бугунги куннинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бу борада Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган Қарор ва Фармонлар эса қўлга киритилган салмоқли ютуқ ва муваффақиятларга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Муслима ТУРСУНБОЕВА.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЮНЕСКО – ФАОЛ ҲАМКОР

Мамлакатимиз нуфузли халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Айниқса, Ўзбекистон билан БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ЮНЕСКО ўртасидаги муносабатлар тобора мустаҳкамланмоқда. Халқлар ўртасида гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш орқали дунё миқёсида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшишни мақсад қилган ЮНЕСКО ташкил топган 1946 йилдан буён ўтган даврда кўплаб хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. У миллий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, умуминсоний аҳамиятга молик миллий қадриятларни ҳимоялаш билан шуғулланадиган халқаро ташкилотдир.



Ҳозир ЮНЕСКОга икки юзга яқин мамлакат аъзо. Ташкилотнинг асосий мақсади халқлар ўртасида таълим, фан ва маданият, шунингдек, ахборот соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Ташкилотга аъзо мамлакатларда ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссиялар тузилган. Улар мазкур соҳаларни ривожлантириш учун масъул муассасалар билан ҳамкорлик қилади. Шунингдек, ЮНЕСКО алоқа ўрнатган олти юзга яқин нодавлат ташкилот ҳам унинг дастур ва лойиҳаларида фаол иштирок этади. Турли мамлакатлардаги олти мингга яқин мактаб ташкилотнинг Бирлашган мактаблар дастурига аъзо бўлган. Бу мактабларда таълим дастури билан бир қаторда бағрикенглик, тотувлик ва ҳамкорликнинг аҳамияти каби эзгу ғояларга бағишланган қўшимча дарслар ўтилади. ЮНЕСКОнинг беш мингга яқин клуб, уюшма ва маркази эса ташкилот томонидан илгари сурилган ғояларни тарғиб этишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз ЮНЕСКОга 1993 йилда аъзо бўлган. 1996 йилда пойтахтимизда унинг ваколатхонаси иш бошлади. Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб келганини, ҳамкорликда кўплаб самарали лойиҳалар амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. 1998 йилда ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг 155-сессиясида Президент Ислом Каримов ташкилотнинг олий мукофоти – «Абу Али ибн Сино» олтин медали билан тақдирланди. Давлатимиз раҳбарига ЮНЕСКОнинг «Боробудур» олтин медали топширилганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий ва маънавий қадриятларни тиклаш, маданий ёдгорликлар, тарихий обидалар, муқаддас қадамжоларни асраб-авайлаш, таъмирлаш ва келгуси авлодларга етказиш ҳамда аждодларнинг бой меросини ўрганиш ва тарғиб этиш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик тўйлари, «Алпомиш» халқ достони яратилганининг 1000 йиллиги, «Авесто»нинг 2700 йиллиги, Термиз шаҳрининг 2500 ва Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллик тўйлари, жорий йилда эса Самарқандниг 2750 ва Марғилоннинг 2000 йиллиги нишонлангани ана шундай улуғвор ишлардандир. Бундай тадбирлар ЮНЕСКО билан ҳамкорликда халқаро миқёсда кенг нишонланди.

ЮНЕСКО юртимизда ўтадиган кўплаб маданий тадбирларнинг меҳмони, фаол ташкилотчиси ва иштирокчисидир. Ташкилот ҳар икки йилда бир марта Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашиб келади. 2000 йили Ўзбекистон ҳукумати билан ЮНЕСКО ўртасида ЮНЕСКОнинг «Шарқ тароналари» мукофотини таъсис этиш тўғрисидаги битим имзоланди. Жорий йилда ўтказилган навбатдаги фестивалда ЮНЕСКО Бош конференцияси раиси Мусо бин Жаъфар Ҳассан қатнашди.

2003 йилда ташкилот томонидан «Барқарорлик ва тараққиёт учун таълим 10 йиллиги» эълон қилинди. Ушбу ташаббус доирасида мамлакатимизда ҳам кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда – аҳолининг тил ўрганиш имкониятларини кенгайтириш, маънавият ва маърифат йўналишлари бўйича таълимни ривожлантириш, фан-техника ютуқларидан янада кенг фойдаланишни таъминлаш каби вазифалар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Кўплаб мутахассисларимиз ЮНЕСКО ҳузуридаги Таълимни режалаштириш институтида малака ошираётир. Ташкилот қатор жамғарма ва ўқув юртлари билан ҳамкорлик орқали юртимизда ахборот технологияларини ривожлантириш жараёнида ҳам фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, Ўзбекистондаги ўқитизга яқин мактаб, гимназия, лицей ва коллеж ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар дастури доирасидаги тадбирларда қатнашаётир. Мамлакатимиз ушбу дастурни муваффақиятли амалга оширгани учун 2001 йили ЮНЕСКОнинг «Тинчлик таянчи» мукофотига сазовор бўлган.


ЮНЕСКО юртимиздаги қадимий ёдгорликларни тиклаш ва кенг тарғиб этишда фаоллик кўрсатяпти. Унинг Жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига қадимий Самарқанд ва Шаҳрисабз, Бухоро шаҳрининг тарихий маркази, Хивадаги Ичан қалъа мажмуи каби ноёб обидалар киритилган. Бойсун миллий фольклор анъаналари ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг оғзаки ва номоддий дурдонаси сифатида эътироф этилган. Булардан ташқари, Ўзбекистон кино усталари томонидан яратилган ўнлаб бадиий ва ҳужжатли фильмлар ЮНЕСКОнинг Жаҳон кинематография мероси рўйхатига киритилгани юртимизнинг нафақат қадимий ёдгорликлари, балки замонавий маданият ва санъат намуналари ҳам халқаро миқёсда юксак қадрланаётганидан далолатдир.

Ушбу халқаро ташкилот билан мамлакатимиз ўртасидаги алоқалар йилдан йилга ривожланиб, қамров доираси кенгайиб бораётир. Ўзбекистон ЮНЕСКО билан фаол ҳамкорлик қилар экан, жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверади.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА шарҳловчиси.

Подписка-2008

НАШ ВЫБОР – «ВАТАНПАРВАР»



В частях и учреждениях Министерства обороны началась коллективная и индивидуальная подписка на газеты и журналы на I полугодие 2008 года, в том числе и на газету «Ватанпарвар», Центральный печатный орган Министерства обороны.

Газета «Ватанпарвар» является единственным изданием, в полном объеме освещающим жизнедеятельность частей и подразделений Министерства обороны Республики Узбекистан. На страницах газеты «Ватанпарвар» публикуются материалы, рассказывающие не только о процессе боевой учебы военнослужащих различных видов и родов войск, но и о быте, продовольственном и денежном обеспечении, культурно-досуговой работе, льготах, предоставляемых различным категориям военнослужащих и членам их семей. Журналисты редакции и внештатный авторский актив много внимания уделяют раскрытию тем военно-патриотического воспитания подрастающего поколения будущих защитников Родины. Молодежная тематика является прерогативным направлением в информационном обеспечении читательской аудитории нашей газеты. Потому единственное в республике полноцветное периодическое издание представляет интерес для самого широкого круга читателей.

В период проведения подписной кампании командирам всех степеней, начальникам учреждений, офицерам органов воспитательной работы необходимо провести на местах широкую разъяснительную работу среди военнослужащих, рабочих и служащих о значимости газеты «Ватанпарвар» в деле информирования, обучения и воспитания личного состава, формирования высоких нравственных и морально-боевых качеств молодежи нашей страны, патриотизма, организованности и дисциплинированности. Немаловажно будет рассмотреть и обсудить вопрос организации коллективной и индивидуальной подписки на совещаниях офицеров, военнослужащих по контракту, рабочих и служащих, собраниях личного состава срочной службы.

Командующим войсками военных округов, заместителям командующих по воспитательной работе, начальникам УДО (ОДО) необходимо также организовать широкую пропаганду газеты «Ватанпарвар» среди родителей, родных призывников, граждан, проходящих альтернативную службу и призываемых на службу в мобилизационный призывной резерв.

Подписку на газету «Ватанпарвар» необходимо оформлять в ближайших почтовых отделениях не менее чем на 6 месяцев по безналичному расчету. Следует обязательно обращать внимание на то, что в каждом регионе подпиской занимаются в среднем от 2 до 5 компаний. Потому за основу следует выбрать ту, которая предлагает наиболее низкие цены за подписку и доставку.

В связи с разными расходами по доставке газеты подписчикам на местах цены на подписку на газету «Ватанпарвар» на 2008 год установлены в среднем по стране от 25956 сумов в г. Ташкенте до 37512 сумов в Андижанской области. Каждый распространитель определяет ее в зависимости от своих расходов.

Подписную кампанию необходимо провести в рамках установленных сроков и завершить ее к 20 декабря т.г.

ГЛАВНОЕ УПРАВЛЕНИЕ ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.

Шифокор маслаҳати

ГРИПП КАСАЛЛИГИДАН САҚЛАНИНГ

Нафас олиш тизимининг турли бўлимларини жароҳатлаши ва касаллик чақирувчи вирусларнинг турига қараб фарқланадиган касалликлар клиник белгилари бир-бирига ўхшашлиги ҳамда уларни фарқлаш мушкуллиги сабабли умумлаштирилган ҳолда ўткир респиратор вирусли инфекциялар, яъни ОРВИ деб юритилади. ОРВИ гуруҳига гриппнинг А, В, С турлари, парагрипп, риновирус, аденовирус ва реовирус инфекциялари киради.

Замонавий илмий адабиётларда ёзилишича, гриппга ўхшаш касаллик чақирувчи ва бир-биридан эпидемик хусусияти билан фарқланувчи 200 дан ортиқ вирус турлари мавжуд бўлиб, уларнинг 20–30 фоизини грипп касаллигини қўзғатувчи вируслар ташкил қилади. Грипп касаллиги аҳоли ўртасида кенг тарқалиб эпидемия ва ҳатто, пандемияга сабаб бўлиши, нафас олиш органларини зарарлаб ҳар хил асоратлар келтириб чиқариши билан ҳам хавфлидир. Шунинг учун ҳам ушбу касаллик ҳақида кенгроқ тўхталиб ўтамиз.

Грипп касаллигининг манбаи бемор одам ҳисобланиб, у йўталганда, аксирганда касаллик чақирувчи вирус нафас йўли ажратмалари билан ташқи муҳитга чиқади. Касаллик соғ одамга ҳаво-томчи орқали юқади ва унинг белгилари пайдо бўлгунга қадар бўлган вақт бир неча соатдан 1–2 кунгача давом этади. Беморда бадан увишиши, умумий дармонсизлик, бўғинларнинг зирқираб оғриши, тана ҳароратининг кўтарилиши, йўтал ва тумов белгилари пайдо бўлади. Айрим беморларда касаллик белгиларисиз ҳам кечиши мумкин. Бу хил беморлар атрофдагилар учун хавфли ҳисобланиб, гриппнинг тез тарқалишига ва кўплаб кишиларнинг касалланишига сабабчи бўладилар. Касаллик уюшган жамоалар ўртасида тез тарқалиш хусусиятига эга, шунинг учун ҳаво ҳарорати пасайиши билан ҳарбий қисмларда, мактаб ва болалар боғчаларида олдиндан тушунтириш ишлари ва эҳтиёт чоралари кўрилиши лозим.

Кўп йиллик кузатувлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, грипп эпидемиясининг давомийлиги 4–6 ҳафтадан то 2–3 ойгача чўзилиб асосан, йилнинг декабрь ёки февраль ойларига тўғри келиши мумкин.

Инсон организмининг касалликка қарши курашиш хусусияти унинг ёши, жисмоний чиниққанлиги, турмуш тарзи ва вақтида овқатланиши билан боғлиқ. Асоратсиз ўтган грипп касаллиги даволаш муолажалари ёрдамида 3–6 кун давом этади. Вақтида даволанмаган беморларда эса грипп касаллигидан кейин ўпка, юрак, қон-томир ва асаб тизими фаолиятларининг бузилиши каби асоратлар юзага келиш эҳтимоли бор.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, грипп ва ОРВИлар билан оғриганда, ҳар хил антибиотиклар касалликни даволаш учун эмас, балки уни келтириб чиқарган асоратларни даволаш учун қўлланиши мумкин. Кўпроқ чой, наъматак ва ҳар хил мева шарбатлари ичиш, бемор ётган хонага исириқ тутатиш касалликдан тез қутулишга ёрдам беради.

Грипп ва ОРВИлардан сақланиш учун қуйидагиларга қатъий риоя қилиш зарур:

– организмни чиниқтириш учун бадантарбия билан мунтазам равишда шуғулланиш ва тоза ҳавода сайр қилиш;

– грипп ва ўткир шамоллаш (тумов) белгилари пайдо бўлганда зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш;

– йўталганда ва аксирганда оғиз ва бурунни тоза дастрўмол билан беркитиш;

– беморлар билан ёнма-ён ўтирмаслик ва яқиндан гаплашмаслик лозим.

Ҳарбий қисмларда эса юқорида қайд этиб ўтилган амаллардан ташқари қуйидагиларга эътибор бериш тавсия этилади:

– ухлаш ва синф хоналари ҳавосини тез-тез алмаштириб туриш;

– пол, дераза токчалари ва мебелларни зарарсизлантирувчи воситалар ёрдамида ҳар куни ювиш ва артиш;

– маҳаллий аҳоли орасида грипп бўйича эпидемик вазият ноҳуш бўлган вазиятларда шахсий таркибнинг аҳоли билан мулоқотини кескин камайтириш;

– ёпиқ хоналарда гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўтказиладиган йиғинларни (мажлисларни) имконият даражасида камайтириш;

– шахсий таркибнинг дала-ўқув машғулотларини ўташи мобайнида, қоровуллик хизмати пайтида ва ҳаммомда ювингандан сўнг совқотишдан сақлаш;

– шахсий таркибнинг мавсумга мос кийинишини назорат қилиш;

– аскарларга таркиби «С» витаминига бой бўлган саримсоқпиёз, пиёз каби сабзавотлар бериб бориш;

– озиқ-овқат ва даволаш-профилактика муассасаларида ходимларнинг докали ниқоб тақишини ташкил этиш ва дезинфекция ишларини кучайтириш;

– касалликнинг енгил турлари билан оғриган шартнома бўйича хизмат қилаётган офицер ва сержантларга тиббий ёрдам кўрсатишни беморларнинг уйида ташкил этиш.

Мухтасар айтганда, юқоридаги тавсияларга тўла амал қилинсагина, гриппнинг юқиши ва тарқалишининг олдини олган бўламиз.

Илҳом АБДУКАРИМОВ,
врач-мутахассис.

ПЕРСПЕКТИВЫ НАЦИОНАЛЬНОГО ДИЗАЙНА

В столице прошла научная конференция, посвященная перспективам национального дизайна, организованная Академией художеств Узбекистана совместно с Национальным институтом художеств и дизайна имени Камолиддина Бехзода.

В ней приняли участие ведущие художники-дизайнеры, архитекторы, профессора и преподаватели высших учебных заведений, а также студенческая молодежь.

Ректор данного института А.Эгамов, главный ученый секретарь Академии художеств Узбекистана К.Акилова и другие отметили, что работа, осуществляемая в стране под руководством Президента Ислама Каримова в деле развития национального дизайна, поддержки и поощрения творческих работников сферы, дает свои результаты. Ярким тому подтверждением является образование в соответствии с Указом главы государства от 23 января 1997 года «Об организации Академии художеств Узбекистана» Академии художеств, Национального института художеств и дизайна имени Камолиддина Бехзода.

Развитие дизайна неразрывно связано с такими сферами, как строительство и архитектура, изобразительное и прикладное искусство, текстильная отрасль и т.д. В нашей стране это направление последовательно развивается в гармоничном сочетании национальных и современных традиций. Способствует этому и постоянная организация различных творческих состязаний, смотров-конкурсов, фестивалей, художественных выставок, конференций.

В настоящее время подготовку квалифицированных специалистов этого направления ведут такие вузы страны, как Национальный институт художеств и дизайна, Ташкентский государственный технический университет имени Абу Райхана Беруни, Ташкентский архитектурно-строительный институт, Самаркандский государственный архитектурно-строительный институт.

На конференции были всесторонне проанализированы вопросы подготовки дизайнеров, заслушаны и обсуждены доклады, посвященные перспективам развития дизайна в Узбекистане, актуальным проблемам промышленного дизайна, истории национальной одежды разных регионов нашей страны.

В рамках мероприятия состоялся показ национальной одежды, созданной студентами данного института.


Назокат УСМАНОВА,
корр. УзА.

Ҳарбий техника янгиликлари

КИЧКИНА ДЕМАНГ УНИ...

Германиянинг «Телемакс» русумли бошқарилувчи кичик габаритли миналардан тозалаш машинаси «Рейнметалл» компанияси мутахассислари томонидан яратилган. Мазкур техника очиқ жойлардаги ҳамда ёпиқ бинолардаги портловчи моддалар ва портлаш хавфи бўлган предметларни қидириш ва зарарсизлантириш учун мўлжалланган. Роботнинг олд қисмига еттита бириктирилган, турли яссиликларда ҳаракатланадиган элементлардан ташкил топган сурилувчи штанга-манипулятор (мураккаб ҳаракатларни бажарувчи қурилма) ўрнатилган. Манипуляторнинг юқори четки нуқтасида оғирлиги 5 кг. гача бўлган юкни кўтариш ва бошқа жойга олиб ўтишга қодир бўлган ушлагич кўринишидаги бажарувчи қурилма мавжуд. Машинани бошқариш масофадан бошқарув пульти орқали амалга оширилади, текширилаётган жой сурати эса бажарувчи қурилмага ўрнатилган видеокамера орқали операторнинг телевизион мониторида тасвирланади.

Машина-робот баландлик бўйича бошқарувчи тўртта мустақил илгаклардаги гусеницалар билан жиҳозланган. У 45 даража бурчак остидаги қия юзаликларда ҳаракатланиш ва 0,5 м баландликдаги тик тўсиқлардан ўтиш қобилиятига эга. Гусеницали илгакларни тик ҳолатга ўтказганда, манипулятор 2,35 м баландликда жойлашган предметлар билан ишлашга қодир.



СИНОВГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли AFRL тадқиқотчилик лабораторияси (Райт-Паттерсон авиабазаси, Огайо штати) мутахассислари «Аэровайромент» фирмаси конструкторлари билан ҳамкорликда турли вазифаларни бажариш учун мўлжалланган Sky Tote («Само транспорти») русумли вертикал (тик) кўтарилувчи ва қўнувчи учувчисиз учиш аппаратини (УУА) яратиш устида қизғин иш олиб боришмоқда. Мазкур аппарат вертолётга ўхшаб кўтарилади ва қўнади, учишни эса оддий самолёт каби горизонтал режимда амалга оширади. УУАнинг асосий вазифаси – энг хавфли ва етиб бориш қийин бўлган ҳудудларга зарур юкларни етказиб бериш. Лаборатория менежери Том Кордининг маълум қилишича, ҳозирда аппаратнинг фақат концептуал намойиш варианти мавжуд. Тадқиқотчилар мазкур учиш аппарати синовлардан сўнг бомбалар зарбасидан кейинги зарарни баҳолаш, ўқ-дорилар ташиш ва, ҳатто, ҳарбий хизматчиларни тезкор эвакуация қилиш каби операцияларни ўтказиш учун хавфсиз, арзон ва ишончли восита бўлади, деб умид қилмоқдалар. Аппарат 130 кг. гача бўлган фойдали юк билан соатига 350–370 км тезликда 2 соат мобайнида 500 км. гача радиусда учишларни амалга ошириши мумкин, деб ҳисобланмоқда.

ИККИ ЛОЙИҲА БЎЙИЧА

Британиянинг «Роллс-Ройс» компанияси ҳарбий денгиз кучлари учун мўлжалланган тезюрар транспорт кемасини яратишга йўналтирилган тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Ҳозирда иккита концепция устида ишлар давом эттирилмоқда, Улардан биринчисига мувофиқ ITLV (Intra – Theatre Logistic Vessel – турбовинт двигателлари доирасидаги юкларни ташувчи юк кемаси) русумли кемани яратиш кўзда тутилган. Унинг узунлиги 121 м, сувга ботиб туриш даражаси 3,15 м, юк палубаси майдони 2300 кв. м. атрофида, энг юқори юриш тезлиги – 40 узел, сузиш узоқлиги –4700 денгиз милясига доирасида бўлиши режалаштирилган. Иккинчи концепцияга мувофиқ эса FNSLV (Fast Naval Sea – Lift Vessel) узунлиги 177 м, эни 24 м (суратда) бўлган тезюрар транспорт кемаси лойиҳалаштирилмоқда. Унинг сувга ботиб туриш даражаси 4,15 м, энг юқори юриш тезлиги 36 узелгача, сузиш узоқлиги 3600 денгиз милясига, юк кўтариш қобилияти 2500 тонна бўлиши кўзда тутилган.

(«Зарубежное военное обозрение» журнали асосида тайёрланган).

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Долг свыше 9 триллионов долларов

Впервые в истории США государственный долг страны превысил планку девять триллионов долларов. С момента прихода Джорджа Буша к власти в январе 2001 года Конгресс уже пять раз поднимал потолок госдолга – на общую сумму 3,865 триллиона долларов. В настоящее время на каждого американца приходится примерно по 33 тыс. долларов государственной задолженности, сообщает ИТАР – ТАСС.



Объявлен траур

В Финляндии приспущены государственные флаги в знак траура по погибшим в результате бойни в учебном центре Йокела, где 18-летний лицеист застрелил 8 человек и затем выстрелил в себя. От полученного ранения он скончался поздно вечером в больнице в Хельсинки. Ранения и травмы получили еще 12 человек. На месте скончались семь учеников – пять мальчиков и две девушки, и женщина – директор школы, передает ИТАР – ТАСС.



Китай защищает Эверест

Китай выделит 1,8 миллиона долларов (1,2 миллиона евро) на защиту озер и лугов, прилегающих к Эвересту, самой высокой в мире горной вершине, которые страдают от массового туризма. Проект по защите горы был одобрен Национальной комиссией по преобразованию и развитию и начнется в 2008 году, когда ожидается прибытие олимпийского огня на вершину Эвереста, в качестве части маршрута факела до Пекина.



На торгах алмаз «Наследие Летсень»

Африканское королевство Лесото решило продать найденный на его территории алмаз весом в 493 карата. Этот гигантский самородок пойдет с торгов международного алмазного центра в Антверпене – мировой биржи, объявлено в столице Лесото Масеру. Как установили специалисты, алмаз «Наследие Летсень», названный по имени известной шахты, где он был обнаружен, 18-й в истории по весу.



Новые технологии от «Nokia»

Компания «Nokia» разработала технологию Haptikos, которая позволит создавать сенсорные дисплеи с тактильной обратной связью. В настоящее время для обеспечения эффекта обратной связи используется вибрация. А технология, созданная «Nokia», позволит добиться обратной связи от сенсорного дисплея. Человек, нажимая на изображения кнопок на таком дисплее, будет ощущать то же, что и при работе с обычной современной клавиатурой



Миллиарды на исследования

Корпорация «Microsoft» в 2008 финансовом году направит в исследования, а также разработку новых продуктов и сервисов, 8 миллиардов долларов. Планируется сделать доступными для мобильных телефонов коммуникационные сервисы Windows Live – сервис обмена мгновенными сообщениями, сервис обмена файлами, электронную почту и другие.



Машины меняют цвет

Разработана специальная парамагнитная краска, которая может менять свой цвет при нажатии на кнопку в салоне автомобиля. Работа такой технологии заключается в использовании парамагнитной краски. При действии на это покрытие электрического тока кристаллы, содержащиеся в этих частицах, приходят в определенное соответствие и, тем самым, отражают свет и меняют цвет покрытия. Для полной «перекраски» кузова требуется менее 1 секунды.



Установлен памятник танго

В столице Аргентины Буэнос-Айресе в одном из самых престижных районов Пуэрто Мадеро установлен первый в мире памятник танго. Аргентина таким образом стала единственной страной в мире, где установлен монумент целому направлению в музыке и танце. Памятник представляет собой гигантский бандонеон – особую разновидность гармони, завезенную из Германии и используемую в танго-оркестре. Он изготовлен из нержавеющей стали, высотой в 3,5 метра и весом в две тонны.

(www.NEWSru.com).

Эхо Всемирных военных игр

МЫ ЧЕСТВУЕМ НАШИХ ГЕРОЕВ

Именно таким был лейтмотив официального приема руководством Министерства обороны Республики Узбекистан членов спортивной делегации. Успешное выступление армейских атлетов было с огромным воодушевлением воспринято и по достоинству оценено на Родине.

Выступая на официальном приеме в честь участников IV Всемирных военных игр, министр обороны Республики Узбекистан Р. Мирзаев особо подчеркнул, что наши атлеты не только высоко подняли флаг нашей независимой Родины, но, вместе с тем, они своими победами внесли неоценимый вклад и в укрепление морально-боевого духа наших Вооруженных Сил, наглядно продемонстрировали всему миру силу и мощь нашей армии, высокий уровень ее боевой готовности.

И действительно, перед каждым выходом на спортивную арену: будь то ринг, татами, ковер или беговая дорожка, каждый наш спортсмен отчетливо осознавал, что от его выступления зависит представление о сегодняшней армии Узбекистана, о нашем народе в целом. Седьмое место сборной команды Вооруженных Сил Узбекистана в итоговом протоколе является несомненным успехом, ведь даже такие европейские страны, как Испания и Дания, довольствовались лишь по одной бронзовой медали. Меньшее количество медалей имеют США и Франция.

Заместитель министра обороны по воспитательной работе полковник Тохир Хамракулов огласил приказ министра обороны о поощрении спортсменов и всего личного состава, принимавшего участие в подготовке к участию сборной команды к Всемирным военным играм. Цветными телевизорами награждены чемпионы и серебряные призеры Игр, а DVD-плеерами – обладатели бронзовых наград. Примечательно, что поощрены не только сами спортсмены, но и их наставники. Так, цветными телевизорами отмечен труд тренеров майора Уйгуна Сиддикова, Владимира Орлова и Бориса Григорьева, DVD-плеером – сержанта Анвара Кучмурадова, командирскими часами – подполковника Рауфа Хамидова и начальника ШВСМ Игоря Подгоецкого, капитан Абдубосит Гуломов награжден Памятным знаком министра обороны.

В выступлении начальника МХСК Хикматиллы Касымова была выражена признательность руководству за заботу о развитии армейского спорта. Он заверил, что и впредь армейцы Узбекистана на самом высоком уровне будут достойно представлять страну и ее Вооруженные Силы на мировой спортивной арене. На память об этом приеме и успешном участии нашей команды на Всемирных военных играх в Индии от имени спортсменов министру обороны был вручен подарок – боксерские перчатки. Выступив от имени спортсменов, подполковник Р.Хамидов выразил благодарность за высокую оценку спортивного успеха.

В выступлении первого заместителя министра обороны – начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил генерал-майора В. Махмудова – особо подчеркивалось, что каждая победа наших атлетов в далеком Хайдарабаде вызывала огромное воодушевление у всего личного состава нашей армии, а успешное выступление команды в целом свидетельствует об успехе проводимой военной реформы.

По традиции участники спортивной делегации Вооруженных Сил сфотографировались на память с руководством Министерства обороны и Объединенного штаба Вооруженных Сил. А концертная программа Центрального ансамбля песни и танца Вооруженных Сил, тепло воспринятая участниками торжества, придала особый настрой празднику.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**





ВАТАННИ ШАРАФЛАГАН ҲАРБИЙЛАР СЎЗЛАРИ

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Рамзиддин САИДОВ:

– Мудофаа вазирлиги томонидан ҳарбий спортчиларга алоҳида эътибор берилиши бизни янги-янги чўққиларни забт этишга ундайди. Қачонки бирор хорижий давлатда ташкиллаштириладиган спорт мусобақасига йўл оладиган бўлсак, бизни катта тантаналар билан кузатиб қўйишади. Ўз ўрнида қайтишимизда ҳам мана шундай тантанавор руҳ ҳукмрон бўлади. Албатта, бундай юксак эътибор ҳар қандай спортчини шижоатга, ғалабага ундайди. Айниқса, йирик мусобақалардан сўнг шахсан вазирнинг ўзи барча спортчиларни табриклаши ҳар бир спортчи қалбида ватанпарварлик туйғусини янада алангалатиши шубҳасиз. Ҳайдароботдаги баҳсларда эришган натижамдан у қадар кўнглим тўлмаган бўлса-да, бизга нисбатан эътибор натижаларимни янада яхшилашга, галдаги мусобақаларда бундан-да яхши натижани қайд этишимда бир туртки бўлди.

Адҳам ОЧИЛОВ, спорт фаоллари аъзоси:

– Ҳайдароботдаги SIZM беллашувларида эркин кураш бўйича иштирок этиб, бронза медални қўлга киритиб қайтдим. Аслида натижани бундан-да яхшилашим керак эди. Чунки мен ушбу мусобақада олтин медалга эга бўлиб, Ўзбекистон армиясининг спорти ҳақиқатда ҳам юксак эканлигини кўрсатишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйган эдим. Албатта, галдаги мусобақаларда ушбу мақсадимга эришиб, миллий армиямиз спортининг нуфузига ўз улушимни қўшаман.

Шартнома бўйича хизмат оддий аскари Ришод СОБИРОВ:

– Халқаро ареналарда армиямиз спорти шарафини ҳимоя қилиш мен учун ҳар доим ўзгача бир завқ бағишлайди. Бу албатта, Қуролли Кучларимизда спортнинг қадрланиши билан бевосита боғлиқ. Қолаверса, жаҳонда ўзбек армияси спортининг ўз ўрни бор. Биз спортчилар халқаро майдонга чиқанимизда ушбу шарафли номга муносиб бўлмоғимиз лозим. Айтиш лозимки, армиямиз спортчилари Ҳайдароботдаги беллашувларда бу номга муносиб эканлигини амалда исботлай олишди.

Агнеш ҚУРБОНОВ ёзиб олди.

«ИППОН» – УКРАШЕНИЕ ПОЕДИНКА



На рядового по контракту из СВВАКИУ Уткира Курбанова, выступавшего на IV Всемирных военных играх по дзюдо в весовой категории до 100 кг, особенно в последние дни, возлагали большие надежды. Дело в том, что от золотой медали Курбанова зависело многое: наша сборная в общекомандном зачете займет седьмое место или же девятое. А шансы у узбекского мастера татами Уткира Курбанова на победу были очень высоки. Наш атлет, одержав убедительные победы над спортсменами из Испании, Италии, Франции и России, вышел из своей подгруппы в финал. А с другой подгруппы, уже став финалистом, чемпион Европы спортсмен из Словакии ждал своего оппонента.

И вот их финальная схватка. В предвкушении победы чемпион Европы тут же пошел в стремительную атаку. Но все его проводимые молниеносные приемы «натыкались» на грамотную и техничную оборону Курбанова и на такую же молниеносную контратаку. Однако в первые три минуты упорного поединка ни одному из спортсменов не удалось взять ни одного выигрышного балла. Обычно после первой половины схватки судьями на татами делается замечание тому или иному за, по их мнению, пассивное ведение борьбы. Здесь, пожалуй, судьи международной категории не смогли зафиксировать даже малейшую пассивность ни одного из спортсменов: ни на секунду борцы не останавливались, вели «жаркую» схватку.

На табло ничейный результат. Хотя время переваливает за третью минуту. Тут буквально на мгновение соперник Курбанова замешкался в атаке. Но этого было достаточно для узбекистанца, чтобы провести свой коронный прием – бросок через спину в левую сторону. Иппон! Чистая и досрочная победа! Так, Курбанов стал чемпионом IV Всемирных военных игр по дзюдо в весе до 100 кг. Этот бросок нашего соотечественника специалисты борьбы оценили как одно из украшений поединков дзюдоистов.

– Конечно, я очень волновался перед финалом, – признается Курбанов.– Ведь от «золота» зависел общекомандный результат. Я чувствовал моральную ответственность и поэтому не смог выступить плохо.


Теперь для нашего армейского спортсмена в декабре состоится еще один важный и ответственный международный турнир, на котором можно завоевать заветные очки для участия на Олимпиаде-2008. Надеемся, что армеец сделает все зависящее от него, чтобы завоевать медаль турнира.

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

Интервью с чемпионом мира

АЗИЯ, МИР, А ТЕПЕРЬ – ОЛИМПИАДА!

Для армейского боксера Аббоса Атоева уходящий год станет одним из самых счастливых в спортивной биографии. Если еще в июне мы поздравляли его с золотой медалью чемпиона Азии, завоеванной в монгольском Улан-Баторе, то уже в ноябре Аббос привез из Чикаго золотую медаль чемпиона мира! Добыв заодно путевку на Олимпиаду 2008 года в Пекине, армейский полутяжеловес твердо нацелился покорить и эту вершину мастерства.



Большой праздник пришел не только в семью сельского учителя Абдураззака-ака и Мавжуды-апа Атоевых из Вабкентского района Бухарской области, сегодня ликует весь Узбекистан – сын нашего народа стал чемпионом мира! И потому первый вопрос матери героя.

– Мавжуда-апа, что чувствует сейчас мать чемпиона мира?

– Перед финальным поединком на плечи моего сына легла колоссальная ответственность, – с волнением говорит мама боксера. – Наверняка, не я одна, а каждый житель Узбекистана искренне желал ему победы. Отрадно, что Аббос не растерялся, справился, сумел достойно защитить честь нашей Родины. Разве может быть для мужчины выше гордость, чем постоять за свою Отчизну? Что сказать, я горжусь своим сыном!

– Скажите, Аббос, какой бой на чемпионате мира складывался наиболее трудно?

– На чемпионатах мира легких так называемых «проходных» поединков не бывает. Здесь собирается вся элита мирового бокса, чтобы выявить в честном бою, кто же из нас сильнейший. Поэтому, хотя я и выиграл ввиду явного преимущества досрочно бои против боксеров из Румынии и Франции, победы эти легкими не считаю. Вот и четвертьфинал против соперника из Хорватии был трудным, несмотря на счет 17:6 в мою пользу.

Непросто сложился и полуфинал против боксера из Казахстана, выигранный мною со счетом 17:8. Ну а финал против россиянина, чемпиона Европы, наверное, многие видели по телевизору.

– После первых двух раундов вы уверенно вели в счете, но в третьем сопернику сумел выровнять положение. Что случилось, заранее уверовали в свою победу или психологически дрогнули?

– До финального гонга ни один боксер не может быть заранее уверен в победе, ведь даже при большом перевесе в очках один пропущенный сильный удар может свести на «нет» все твои усилия. Скорее всего, сказалось волнение, ведь после такого пути к финалу никак не хочется уступить в решающем бою. В четвертом раунде мне все же удалось склонить чашу весов на свою сторону.

– От всей души поздравляем вас с этой волевой победой! И, наконец, какова теперь следующая цель?

– Спасибо за поздравления. После золотой медали Мухаммадкадыра Абдуллаева на Олимпиаде 2000 года в Сиднее у наших боксеров не было олимпийского «золота». И теперь моя мечта – порадовать наших поклонников бокса победой на Олимпиаде в Пекине.

Тренер Атоева, Олим Мухаммедов, так прокомментировал выступления своего питомца.

– Аббос в полной мере выполнил все намеченное. Если заметили, под каждого соперника он боксировал по-разному, поэтому они не смогли под него подстроиться. В оставшееся до Олимпиады время нам еще предстоит много поработать, чтобы еще прибавить в мастерстве. Почивать на лаврах некогда, будет небольшой отдых, а потом снова в зал. Движение вперед должно быть непрерывным.

Беседовал майор Е. АЙНАТДИНОВ.
Фото **автора.**

Футбол янгиликлари

РАҚИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Футбол бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ва Болтиқбўйи давлатлари чемпионлари кубоги мусобақаси ташкилотчилари томонидан навбатдаги турнирга бағишланган қуръа ташлаш маросими ўтказилди.

Аввал хабар берганимиздек, навбатдаги мусобақалар аввалгилари каби Россия пойтахти Москва шаҳрида эмас, балки «шимолий пойтахт» деб ном олган Санкт-Петербург шаҳридаги «Петербург» спорт мажмуаси ва «Зенит» спорт ўйинлари саройида келаси йилнинг 19–27 январь кунлари ўтказилади.

Қуръа натижасига кўра, мусобақада иштирок этадиган МДҲ, Болтиқбўйи давлатлари чемпионлари ва Сербия чемпионати ғолиби – жами ўн олти жамоа тўрт гуруҳга бўлинди. Ўзбекистоннинг жорий йилги чемпиони (бунга «Пахтакор» жамоаси яқин турибди) «Д» гуруҳида Украина, Беларусь ва Арманистон чемпионлари билан куч синашади.

Бошқа гуруҳлардан қуйидаги жамоалар жой эгаллаган: «А» гуруҳи: Россия, Туркманистон, Молдова, Эстония; «В» гуруҳи: Озарбайжон, Қозоғистон, Литва, Тожикистон; «С» гуруҳи: Латвия, Грузия, Сербия ва Қирғизистон.

Айни пайтда миллий чемпионатлар ўйинлари ниҳоясига етмаганлиги сабабли чемпион жамоалар номи аниқ эмас. Шундай бўлса-да, анъанавий МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари чемпионлари кубоги ўйинларининг муддатлари аниқ. Унга кўра, гуруҳ учрашувлари 19–22 январь кунлари бўлиб ўтади. Чорак финал 23 январь, ярим финал ўйинлари эса 25 январь куни ўтказилади. Мусобақа ғолиби эса 27 январь кунига белгиланган финал учрашувида аниқланади.

Эслатиб ўтамиз, Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси мазкур турнирнинг амалдаги ғолиби ҳисобланади. Улар жорий йилнинг январь ойида Москвада ўтказилган мусобақада муваффақиятли иштирок этиб, бош совринни қўлга киритган эдилар.

МАРРА ЯҚИНЛАШГАН САРИ

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лигасида иштирок этаётган жамоалар жорий йил мавсумини якунлашга ҳам яқинлашиб бормоқдалар. Яна беш турдан сўнг жамоаларнинг «сараги саракка, пучаги пучакка» ажралади, яъни совриндор ўринларни эгаллаган ва олий лигани тарк этишга «маҳкум» бўлган жамоалар аниқланади. Совриндорлар масаласи анча ойдинлашиб қолган, десак ҳам муболаға бўлмайди. «Пахтакор», «Қурувчи» ва «Машъал» жамоалари бошқалардан анча илгарилаб кетишган. Бу жамоалар эндиликда кимга қайси медаллар насиб этишини ҳал қилишлари лозим, холос. 7 очко фарқ билан «Қурувчи»дан ўзиб кетган «Пахтакор» бу мавсумда ҳам чемпионликни қўлдан бой бермаса керак. Олий лига дебютанти «Қурувчи» эса кумуш медалларни «Машъал»га бериб қўймаслик ҳаракатида. Аммо иккинчи давранӣ кўтаринки руҳда ўтказаётган муборакик футболчилар Осиё чемпионлари лигаси баҳсларида иштирок этиш имконини берувчи 2-ўрин учун сўнгги тургача кураш олиб боришлари аниқ.

Олий лигада «жон сақлаб» қолиш учун курашаётган «Вобкент», «Локомотив» ва «Металлург» жамоалари ҳам ҳар бир очко учун тер тўкиб интилмоқдалар. Демакки, сўнгги турларда биз янада қизиқарли ва муросасиз баҳсларга гувоҳ бўлишимиз аниқ.

Куни-кеча ўтказилган 25-тур учрашувларида эса қуйидаги натижалар қайд этилди: «Трактор» – «Андижон» – 3:1, «Бухоро» – «Шўртан» – 1:0, «Локомотив» – «Вобкент» – 0:0, «Машъал» – «Насаф» – 4:1, «Қизилқум» – «Қурувчи» – 0:2, «Самарқанд-Д» – «Тўпаланг» – 1:1, «Металлург» – «Нефтчи» – 1:2, «Навбаҳор» – «Пахтакор» – 1:2.

М. САЙДИВАЛИЕВ.


Атлетический клуб будущего воина


РАЗВИВАЕМ ГРУДНЫЕ МЫШЦЫ

Жимы на скамейке (со штангой или гантелями)

Жимы на скамейке являются классическим упражнением для построения мышц груди. Оно также способствует развитию других групп мышц рук и верхней половины тела.

Выполнение жима на скамейке. Лягте на скамейку и возьмитесь за гриф штанги. Используйте захват больше ширины плеч. Помощник поможет вам поднять штангу и полностью распрямить руки. Когда вы будете опускать штангу к груди, держите ее непосредственно над нижней частью грудных мышц. Затем начните выталкивать ее, смещая, однако, немного назад, так, чтобы при завершении движения гриф штанги находился прямо над шеей. Вернитесь в исходное положение, полностью распрямив руки.





СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Макаода ёпиқ иншоотларда уюштирилган II Осиё ўйинларида қитъамизнинг ўттиздан ортиқ давлати вакиллари спортнинг ўн беш тури бўйича медаллар учун кураш олиб бордилар. Мазкур мусобақада мамлакатимиз терма жамоаси ҳам муваффақиятли иштирок этиб, иккита олтин, иккита кумуш ва иккита бронза медалларини қўлга киритди. Жумладан, муайтай баҳсларида Артур Қодирқулов ва Мавлонбек Қаҳҳоров ўз вазн тоифаларида олтин, Абдулла Худойбердиев эса кумуш медаллари соҳиби бўлишди. Компьютер ўйинлари бўйича Дониёр Шомузаффаров иккинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, футзал бўйича аёллар ва эркаклар терма жамоаларимиз ҳам учинчи ўринни банд этиб, юртимизга бронза медаллари билан қайтишди.

Аввал хабар берганимиздек, пойтахтимизда спортнинг «Универсал жанг» тури бўйича VIII жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Мазкур мусобақада дунёнинг ўттизга яқин мамлакати спортчилари медаллар учун курашдилар. Ушбу спорт тури ҳамюртларимиз учун нисбатан янги бўлса-да, йигитларимиз муваффақиятли иштирок этишди. Жумладан, А. Абдуллаев (75 кг) ва Б. Аҳмедов (90 кг)лар ўз вазн тоифаларида жаҳон чемпиони деган унвонга сазовор бўлишди. М. Хонтўраев (85 кг) кумуш, Ш. Абдураимов (75 кг), М. Юнусов (70 кг) ва Н. Долимов (60 кг) бронза медалларини қўлга киритишди.

Умумжамоа ҳисобида Россия терма жамоаси биринчи, Ўзбекистон спортчилари иккинчи, Беларусь жамоаси эса учинчи ўринидан жой олди.

Профессионал боксниг WBA йўналиши бўйича ўта оғир вазн тоифасидаги жаҳон чемпиони Руслан Чагаев 2008 йилнинг май ойида навбатдаги жангини ўтказади. Бу ҳақда «Советский спорт» нашри хабар қилди.

– Руслан ушбу жангини украиналик боксчилар Тарас Биденко, Владимир Вирчис ёки Александр Дмитренколарнинг бири билан ўтказиши мумкин, – дейди юртдошимизнинг промоутери Клаус-Петер Коль. – Бу боксчиларайни чоғда WBA таснифида бешинчи, еттинчи ва ўнинчи погоналарни банд этишган. Мазкур учрашувнинг Ўзбекистонда ўтиши режалаштирилмоқда. Жанг ўтказиладиган сана ва шаҳар номига яқин кунларда ойдинлик киритилади.

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

Қуролли Кучлар Марказий музейида

ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ

Қуролли Кучлар Марказий музейида икки авлод учрашуви бўлиб ўтди. Иккинчи жаҳон уруши ва Қуролли Кучлар фахрийлари ҳамда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсантлари иштирок этган ушбу тадбир ҳар бир қатнашчида катта таассурот қолдирди.

Курсантлар Марказий музей қошидаги фахрийлар кенгаши раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, истеъфодаги генерал-лейтенант Собиржон Охунжонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийлари, истеъфодаги офицерлар – Аҳмаджон Азизов, Николай Малдованов, Абдулла Ибодов, Иброҳим Исомиддинов, Фатҳулла Назруллаев ва Лидия Маҳмудоваларнинг жанговар ҳаёт йўли, ҳарбий хизмат билан боғлиқ таассуротлари, Ватан, бурч, шарафли ва масъулиятли офицерлик касби хусусидаги фикрларини катта қизиқиш билан тингладилар.

Дилдан суҳбатлар, савол-жавоблардан сўнг учрашув иштирокчилари музейнинг Ватаннинг шонли тарихидан сўзловчи ранг-баранг экспонатлари билан танишдилар.

Тадбирдан сўнг бўлғуси офицерлар фахрийларга, ташкилотчиларга самимий миннатдорчилик билдирдилар. Ҳа, ёшларни ватанпарварлик ва она юртга садоқат руҳида тарбиялашда улкан аҳамиятга эга бундай учрашувлар хотирада узоқ йиллар сақланиб қолади.

Рўзимуҳаммад ЖАҲОНГИРОВ.

КУРСАНТЛАР ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИДА

Маълумки, моддий ва маънавий меросимиз ҳамда боқий қадриятларимизни ўрганишда маданият ўчоқларидан саналган музейларнинг ҳам аҳамияти каттадир. Гарчи турли ном ва йўналишларда бўлса-да, ўз вазифасига кўра уларнинг барчаси бир хил эзгу мақсад йўлида хизмат қилади. Яъни ҳар хил осори атиқалар ва турли даврларда бўлган воқеа-ҳодисаларга шоҳидлик бериб, мавжуд бойликларимиз ҳақида тўлароқ тасаввур ҳосил қилишимизда уларнинг ўрни муҳим.



Музейлардаги мавжуд экспонатларнинг ҳар бири ўз кечмишига эга. Улар ўтмиш ва келажак ўртасида мисоли кўприк вазифасини ўтаб, бизга гўё турли даврлардан ҳикоялар айтади. Буни тинглай олиш учун эса аввало инсонда қалб сезгиси уйғоқ бўлиши керак.

Бугун Ватан посбонлари чинакам профессионал, ҳар соҳада етакчи ва тегишли маълумотга эга бўлиши учун уларга таълим-тарбия бериш жараёнида турли усуллардан кенг фойдаланилмоқда. Айниқса, бўлажак сардорларда юртимиз тарихи, маданияти ва ўзига хос бойликлари ҳақида кенгроқ тушунча ҳосил қилиш ва улар қалбида ватанпарварлик, юртга муҳаббат ҳамда фахр-ифтихор туйғуларини юксак даражада шакллантириш йўлида музейларга саёҳатлар уюштирилишининг аҳамияти каттадир. Чунки осойишталик ҳимоячилари бундай масканлар билан танишиш орқали тарихимиз, тараққиётимизнинг турли даврлари, санъатимиз, адабиётимиз ва маданий меросимизнинг ўзига хос томонлари ҳақида тасаввурларини кенгайтиради. Қолаверса, ана шу бойликларни асраб-авайлаб келажак авлодларга ҳам бус-бутун етказиш масъулиятини чуқур ҳис қилиб, дилларида эгалик ҳиссининг пайдо бўлишида хизмат қилади. Шу боис ҳарбий таълим муассасаларида бундай тадбирлар тез-тез уюштириб турилади. Яқинда Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида таҳсил олаётган тўртинчи босқич курсантлари вилоят ўлкашунослик музейида бўлдилар.

Тарих ва табиат бўлимларидан иборат ушбу музей кўҳна ва навқирон Самарқанднинг кечмиш дафтаридаги ёрқин бир саҳифага ўхшайди. Музейни айланиб чиқаркансан, беихтиёр хаёлот оламига ғарқ бўласан, киши. Ҳар қайси бўлимда кўплаб экспонатлар бор. Тарих бўлимидаги турли-туман буюмлар қадимги даврларда яшаб ўтган ота-боболаримизнинг турмуш тарзидан ҳикоя қилса, табиат бўлимида ҳайвонот ва наботот оламининг кўплаб экспонатлари ўрин олган. Турли жониворларнинг қотириб қўйилган танаси худди асл ҳаёт тарзига мосдек кўринишда ўрнатилгани боис музейга ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Киши беихтиёр гўзал табиат қўйнига тушиб қолгандек ҳис қилади ўзини.

– Табиат бўлимида 400 дан зиёд экспонатимиз бор, – дейди музей ходимаси Шоҳиста Ҳотамова. –Экспонатларни яна ҳам бойитишга ҳаракат қиляпмиз, олдинда режалар кўп.

– Музейни томоша қилиб, вужудимда ажиб бир илиқлик туйдим, – дейди курсант Шаҳобиддин Исломов. – Гўё ўлкамизнинг гўзал табиати ва бойликлари ўзини кўз-кўз этиб турибди. Худди сирли бир оламга кириб қолгандек бўлдим. Бунинг устига қалбингда табиатга ҳам меҳр уйғонаркан.

– Тарихий буюмлар ва ёдгорликларни томоша қилиш асносида, – дейди яна бир бўлажак офицер Юнус Синдоров, – аждодларимиз турмуш тарзига яқинлашгандай, ўша давр билан ёнма-ён тургандай бўлдим. Бундан кейин ҳам бундай маданият масканларига тез-тез келиб туришни дилимга тугдим.

Бир қараганда оддий томошадай кўрингани билан аслида ушбу сафар замирида чуқур тарбия мужассам топганини илғаган зукко ўқувчилар аллақачон, «Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё», деган пурмаъно нақлни эслашган бўлса, ажаб эмас. Ҳа, азизлар. Юрт посбонларини ўз туғилиб ўсган заминига меҳр қўйиб, садоқатли, мард ва жасур этиб тарбиялашда бундай таълим-тарбия воситаларининг аҳамияти каттадир.

Катта лейтенант Яшин КОМИЛОВ.





Шимоли-ғарбий ҳарбий округ.

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва бўлинмаларида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг яхши китобхон» танлови округ миқёсида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ўртасида ўтказилди.


Таъкидлаш жоизки, мазкур танлов кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди ҳамда китобхонлар сафининг янада кенгайиши, кутубхонадан фойдаланиш маданиятини оширишга хизмат қилади.

– Биринчи ўринни эгаллаганимдан хурсандман, албатта, – дейди «Энг яхши китобхон» номига сазовор бўлган Гулойим Бекбергенова. – Ҳарбийларнинг оила аъзолари орасида ўтказилган танловда айниқса, уй бекаларининг ҳам фаол иштирок этиши назаримда, жуда қувонарли.

Совринли ўринларни қўлга киритган Мухтасар Исмоилова ҳамда Шаҳноза Тўлагановалар бундай қизиқарли танловларнинг давомли бўлиши ҳарбий шаҳарчада яшовчи оилалар ўртасида китобхонларнинг кўпайишига хизмат қилибгина қолмай, ҳарбий оилалар билан ишлаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг самарадорлигини оширади ва унда қатнашишни истовчилар сафининг кенгайишига замин яратади, дея таъкидладилар.

Танлов ғолиблари ва фаол иштирокчилари тантанали равишда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Қуролли Кучлар хизматчиси Шоҳида УСМОНОВА.



Наргиза Каримохунова 1986 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. У Миробод саноат касб-ҳунар коллежини битирган. Ҳозирда Марказий ҳарбий клиник госпиталида компьютер оператори бўлиб фаолият юритмоқда. Бўш вақтларида турли мазали пиширириқлар пиширишни, гулларни парвариш қилишни ва рақсга тушишни яхши кўради. Наргизанинг келажакдаги орзуси, қайси соҳада фаолият юритмасин ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиш.

ҚИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!

Ушбу айтаётган гапларимни яхшилаб қулоғингга қуйиб олгин. Мана, балоғат ёшига ҳам етдинг. Бундан буён ҳар доим буви ва онангнинг маслаҳатларига яхшилаб амал қилгин. Чунки улар сенга ёмонликни тиламайдилар. Балки сенинг яхши хулқли, одоб- ахлоқли қиз бўлиб, қўни-қўшниларнинг, ёру биродарларнинг меҳрига сазовор бўлишингни исташади. Меҳмон келганда улар билан ҳол-аҳвол сўрашганингдан кейин дарров оппоқ дастурхонни ёзиб, яхшилаб ювилган чойнакка чой дамлаб киргин. Меҳмон кутиш ҳам қиз боланинг кўрки. Баъзи синчков меҳмонлар мана шу нарсаларга кўпроқ аҳамият беришади. Шуни ҳеч қачон ёдингдан чиқарма!

ВАТАНДИН БУЮК ДАРД ЙЎҚ...

Бадиа

Осмонни тўлдириб қушлар учади. Юксаклик ғуруридан, мовийлик суруридан завққа тўлиб «чуғур-чуғур» қўшиқ айтади улар. Бу қўшиқдан гўё заминга тароват ёғилаётгандек...

Қушларга термилган болакайнинг ҳам учгиси келади. Уларнинг қанотига ҳавас қилади: «Менинг ҳам қанотим бўлсайди. Қандоқ яхши... Қушларнинг қаноти бор... Қаноти бор...»

Қушлар-чи... Қанотининг қудрати ҳақида ўйлармикин? Йўқ, бу ҳақда қаноти йўқлар ўйлайди. Ҳар куни босиб чиқаётганимиз остона, кўзларимиз ўрганган дала, сувлари шилдираб оқаётган ариқ, сочлари ёйилган мажнунтол – бари Ватан. Мураккаб ҳаётнинг мантиғи шундаки, Ватанни унинг бағридан ажралганлар кўпроқ соғинади, қўмсайди, ўйлайди... Улар учун ўша азиз остонани бир босмоқ, далаларга тўйиб термулмоқ, шилдираган сувдан бир ҳовуч ичмоқ, ариқ бўйидаги ялпиздан тўйиб ҳидламоқ... Муқаддас бир орзу.

Аслида остона, дала, сув, ялпиз ҳамма жойда ҳам бор. Бор, лекин она юртдагиси бошқача. Чунки унга киндик қони тўкилган!

Ҳожи Йўлдош Қуёш Мирзакарим бойвачча ўғли... Олтмиш йил Яратганга тавалло қила-қила бугун у етмиш бешга қадам қўйган андижонлик отахоннинг тақдир йўли мураккаб. Ўзининг айтишича, яшагани йўқ, бир амаллаб кун ўтказди, холос. Жойнамоз устидаги асосий тилаги – Ватанга қайтиш илтижоси бўлди. Уйланиб рўзғор қилганида, фарзандли бўлганида ҳам юртга қайтиш нияти қалбини бир дақиқа тарк этган эмас.

Болаларига гўдаклик хаёлидаги отаси, онаси айтиб берган хотираларни эртакдек сўйлаб юрди.

– Онам Ширмонхон шоира бўлиб байт битар эдилар, – дейди отахон. – Мана эшитинг-а:

Гадою дарбадар янглиғ
Бўлибдурман бе сарву сомон,
Аввали мақсад очилмасдан
Ғунча сўлғонимга йиғларман.
Таҳаммул айлайчи шояд,
Нажот берса худойим.
Ҳамма дўстдин кечиб
Душманга қолғонимга йиғларман...

...Йиғлаб-йиғлаб ўтиб кетдилар Ширмонхон буви. Унинг ҳижрон аламлари қўшилиб Ҳожи Йўлдош юрагига жамланди. Тўққиз ёшида ер-суви тортиб олинган дили вайрон отаси – Мирзакарим бой билан ватандин ночор чиқиб кетганидан буён юрагидаги бу йиғи изларини чуқурлашиб бораверди. Ҳали Афғонда, ҳали Ҳиндда, ҳали Маккатуллоҳда яшади, аммо ўзбекча лаҳжани йўқотмади. Қаерда ўзбек кўрса, «биз кўпчиликмиз, дунёнинг ҳар бир бурчига тарқаганмиз. Аммо Ватан битта, Ўзбекистон битта», деб турфа жамиятлар тузиб, фаоллик кўрсатишини қўймади. Икки ўғил, икки қиз кўрди. Тақдир унга дилбаргина турмуш ўртоғини рўбарў қилди. Ош-нон топди, мол-мулк топди, аммо Ўзбекистондан бошқа, Андижондан, Ойшахоним деган қишлоқдан бошқа Ватан топмади. Аммо омади, бахти бор экан.

– Худо ноумид қилмади. Ўзбекистон мустақил бўлди. Бўлганда ҳам эзгу орзуларни амалга оширишда дадил қадам ташлади. Мустақиллик нималарга қодирлигини кўрсатди. Ишонинг, болам, қисқа бир вақтда бу юртда бўлган ўзгаришлар менинг назаримда ўнлаб йилларда ҳам бажарилиши қийин эди. Биз каби ватандошларнинг азалий орзуга етиб, Ватанни қайта топишида, унинг мустақиллигида, ҳурлигида Юртбошининг шундай катта, залворли ўрни бор.

Вужудидан анчагина қувват кетган, ўсиқ қошлари, сочлари оппоқ оқарган бу отахон сўзларкан, кўзларидан ошкора ёш тўкиларди. У юраги тўлиб, томирида қон ўрнига ҳаяжон оққандай энтикиб сўзлайверади.

– Юртга қайтдим, болам. Болаларим ва уларнинг оналари учун Ватан Туркия, Америка эди. Шунданми, уларни кўп мажбурламадим. Қолишди. Бир ўзим келдим. Ҳеч бўлмаса умримнинг сўнгги кунларини Ватанда ўтказай деб ёлғиз эсамда келавердим. Бир нарсадан хурсанд бўлдим. Ўғлим Сардорбек юрагимнинг қат-қатидаги яна бир орзуимнинг ушалишига имкон яратди. Болаларимнинг биттасига бўлса ҳам Андижонда тўй қилсам, Ўзбекистон байроғини дарвозам тепасига ўрнатиб юрагимдаги армонларимдан бирини чиқариб, одамларни наҳорги ошга таклиф қилсам, ўзбекча мумтоз қўшиқлар тўйхонада янграб турса дегандим. Шу орзуим ҳам рўёб топди. Сардорбек шу ерда уйланди. Айтганимдек дарвозам тепасига байроқ тикиб – ўша ўн икки юлдузли, ойли Ўзбекистон байроғини ҳилпиратиб қўйиб тўй қилдим.

Ота дастрўмол олиб кўзига босади. Елкалари силкиниб-силкиниб йиғлайди. Кўзлари ичида севинч айланиб йиғлайди.

У Андижонга ёлғиз келди-ю, уни ёлғизлатиб қўйишмади. Аввало қўни-қўшнилар, қадрдонлар тез-тез йўқлаб ҳамсуҳбат бўлдилар. Ҳанифахон исмли қошқўзи попукдеккина, юзларида самимияти сезилиб турган қўрғонтепалик аёл эса отага доимий ҳамроҳликка тутинди.

Ҳожи Йўлдош отанинг Олтинкўлга биз яшаётган Офтобачек қишлоғига ҳовли олиб кўчиб келгани маҳаллага тез тарқалди. Қўни-қўшнилар зиёратга кирдик. Ота қўшниларга юз йиллик қадрдонлардай армонлари, орзулари, шукроналари ҳақида сўзлайди:

– Исмимга Қуёш тахаллусини қўшиб чақиришади. Буни ўзим танлаганман. Билсангиз, муҳожирликда кечган 65 йиллик умрим тонглари қуёшни зиёрат қилиш билан бошланган. Назаримда, қуёш Ўзбекистонни кўриб келгану янаям табаррук бўлиб кетгандек туюларди. Унинг нур қўллари Ўзбекистоннинг майсасини, тошини, дарахтини силаган дея бу нурларга субҳи содиқда кўксимни тутаман. Қуёш муҳожирликдаги бир ўғлини йўқлагандек, нурларида бу йўқлов ёзилгандек туюлади. Унга ҳали нур қўлидан Ўзбекистон зиёрати тўкилмай, тонг саҳарда узоқ тикиламан. Ўзимча руҳим ундан йўқлов ўқиётганини ҳис қиламан. Унга жим-жим тикилиб соғинчларимга малҳам қидираман. Қуёшга ҳавас қиламан. Ватандан буюкроқ дард ҳам, давлат ҳам бўлмаслигини англайман.

Отахон мана шу дарду давлатини кўксига солиб Ўзбекистонга қайтди. Икки ўғли, икки қизи, уларнинг оналари Сапурабегим, ўндан ортиқ набиралари Америкада қолишди. Оталарининг узоқ йиллик армонлари ушалганидан улар ҳам хурсанд. Тез-тез хабар олиб туришади. Ҳанифа келинни эса аямиз деб иззат қилишади. Бундоқ ўйлаб қараганда, отахон фарзанду набираларини қандоқ ташлаб келди, дейиш мумкин. Аммо кўкракдаги, кўздаги, сўздаги Ватанга бўлган муҳаббатни ҳис қилган кишигина уни тушуна олади. Ҳожи Йўлдош отанинг ҳузуридан чиқарканман, туйғулар талошида қолдим. Ватаним кўзимга аввалгидан ўн, юз чандон муқаддасроқ кўриниб кетди. Юрагимда кучли бир шукроналик сездим. Беихтиёр «офтобингдан, майса-кўкатингдан, баҳорда бўтана бўлиб, кузда зилолланиб оқадиган ариқдаги сувларингдан, ўн икки юлдузли байроғингдан ўргилай, Ватан. Сен менга бобомдан қолгансан. Мен сени болаларимга катта давлатим деб қолдираман. Бағрингда яшаётганимга, бу борада армонсизлигимга шукур қиламан» дедим. Ҳаяжонларим, таассуротларим, шукроналарим руҳимга қуйилиб шеърга айланди:

Руҳ ўқир офтобга ёзилган хатни,
Элита бошлайди кўкайингни чўғ.
Юрагинг қучоқлар бир ҳақиқатни,
Ватандан буюк дард, буюк давлат йўқ.

Минг йиллик мозийдан эшитилган сас,
Қуввайи ҳофизанг сингдиролган дарс,
Офтоб тушган ҳар жой Ўзбекистонмас
Ватандан буюк дард, буюк давлат йўқ.

Ошиққан турналар кўкламни ўпар,
Қалдирғоч ям-яшил соғинчлар тўкар,
Оқ тушлар таъбири сувда нилуфар
Ватандан буюк дард, буюк давлат йўқ.

Хоҳи боғ бўлсин у, хоҳ саҳро – куюк,
Хоҳи гул бўлсин у, хоҳ янтоқ – суюк.
Тошларига изинг қолдирган битик:
Ватандан буюк дард, буюк давлат йўқ.

Нилий гумбазларнинг синоатин тер,
Бир ўйма нақшга бир дунёнгни бер,
Ҳайратингни шарҳлаб бера олса шеър –
«Ватандан буюк дард, буюк давлат йўқ».

Меърожга чиқади нурланган ақл,
Бўлса гар руҳ озод, кўнгил мустақил,
Умрларни суяр муқаддас нақл
Ватандин буюк дард, буюк давлат йўқ.

Таассуротларим ва ушбу шеъримни қоғозга тушириб отахон зиёратига яна келдим. Унга ўқиб бердим. У йиғлади. Яна ўсиқ қошлари пирпираб, елкалари силкиниб, кўзларидан шукроналик ёшлари оқиб йиғлади.

Миннатдор қаради. Қувонч билан ўша Ойшахонимдаги туғилган жойинга бир корхона қуриш, дастгоҳларни топиб келтиришга ўғиллари ваъда берганини айтди. Аммо кўп ўтмай... Минг таассуфки, Андижонга борганимда эшитсам отахон вафот этибди.

Ҳар тугул Ватан ҳавосидан нафас олиб, шу ерда ўғлига тўй қилиб, қўни-қўшнилар билан Ватан бағрида яшади-ку, дея ўзимга таскин бердим.

Замира РЎЗИЕВА, шоира.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН

Если вы не будете подгонять события или проявлять излишние нервозность и нетерпение, то неделя обещает быть спокойной и размеренной.Выходные — прекрасное время для творческих занятий.

ТЕЛЕЦ

Личное обаяние позволит наладить необходимые партнерские отношения. Прошлые заслуги позволят вам открыть достаточно перспективное дело. В конце недели уладятся семейные проблемы, начнется период полного взаимопонимания.

БЛИЗНЕЦЫ

Вас могут вовлечь в легкие, совершенно непринужденные контакты с различными людьми. Вероятны встречи по интересам, поездки. Ваша интуиция позволит вам найти полезные связи, сделать серьезный профессиональный выбор.

РАК

Избегайте кардинальных перемен в своей деятельности. Целеустремленность позволит достичь невозможного. Ваши предложения вызовут положительные эмоции у начальства. Позвольте себе небольшую передышку.

ЛЕВ

На этой неделе терпение и спокойствие помогут вам избежать ненужных стрессов и сохранить силы для активности на личном фронте. Перед вами внезапно раскроются секреты, которые тщательно скрывало ваше окружение.

ДЕВА

Все события этой недели будут проходить мимо вас, вызывая лишь незначительные эмоциональные всплески. Не стоит принимать скоропалительных решений. Общение с друзьями и единомышленниками порадует вас.

ВЕСЫ

Могут возникнуть проблемы, уладить которые удастся только при помощи личных связей, верных и преданных друзей. Вас могут порадовать перемены: ситуация заметно разрядится и будет развиваться вам на пользу.

СКОРПИОН

Свои планы и замыслы лучше сохранять в секрете, тогда будет больше шансов реализовать их. Подумайте о повышении профессионального уровня. Будут успешны публичные выступления и продуктивна творческая работа.

СТРЕЛЕЦ

На этой неделе не стоит переоценивать свои силы и возможности. Постарайтесь не браться за важные дела без тщательной подготовки. Придется много времени и сил потратить на решение вопросов, связанных с домашним хозяйством.

КОЗЕРОГ

Этот благоприятный период предоставит для вас новые карьерные возможности. Ваша профессиональная активность достигнет высокого уровня. Появятся предложения по поводу новой перспективной работы.

ВОДОЛЕЙ

Сосредоточьтесь на новой интересной идее или проекте, отодвиньте на время наскучившую рутинную работу. Используйте свою влиятельность и обаяние в достижении намеченных целей. С оригинальными методами лучше повременить.

РЫБЫ

Вам понадобятся принципиальность и трезвость суждений. А если к этим достоинствам вы прибавите еще и тактичность, то сможете взять реванш за все постигшие вас за последние несколько недель поражения.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

НАЗАРМАТ НАЗАРМАТ



ЖАНГЛАРДА ТОБЛАНГАН СЕВИМЛИ ШОИР

Шоир қалбини баъзан кўзгуга, баъзан нотинч денгизга, баъзан эса меҳр чашмасига ўхшатишади. Эҳтимол бу қиёслар баландпарвоз суханлар учун жўндек туюлар. Ахир, ер қатламларидан биқир-биқир қайнаб кўтарилган булоқ сувлари ташна лабларга теккунча озмунча риёзат чекадими?! Саратонда ҳам, қиш чилласида ҳам мусаффолигини, чанқоқбосарлигини йўқотмаган булоқ суви ҳам одамларга туйғулар шарбатини, ақлу ҳикмат томчиларини ҳавола этган шоир ижодини эслатади. Шундай экан, ижодкорларнинг китобхон қўлига етиб борган ҳар бир асари узун тунларни саҳарга улаб, тафаккур уфқида ялтираган ўйларини қалам билан қоғозга маҳорат ила битган юрак туғёнларининг шаклий ифодасидир.

Ўзгаларнинг бахтиёрлиги учун ўзини ижод машаққатига дучор айлаб ва шу йўл билан халқимизга руҳий мададкор бўлайин деб, ўзининг салкам ярим асрдан кўпроқ умрини ижодга бағишлаб келаётган Назармат Эгамназаровнинг шеърияти булоқларидан баҳраманд бўлмаган нафосат шайдолари топилмаса керак. Кўнглига ва шеърларига болалигидан гўзаллик, жўшқинлик, равонлик ва нафислик жилосини берган она қишлоғи Новнинг чанг кўчалари, Сирдарё соҳиллари, у ердаги баҳорнинг лола ва майса гиламлар тўшаган фусункор онлари Назарматга илк қалам ушлаган чоғлариданоқ назокатдан сабоқ берди. Илк илҳомни эса дарё ва Фарҳод тоғидан топди. Биринчи шеърини мактабдошлари билан Наврўз байрамида лола сайлига чиққанида ёзди. Шундай қилиб мурғак шоирнинг кўнглида шеърият булоғи кўз очди...

Назарматнинг бирин-кетин янги шеърий машқлари ижод майдонига келди. Шоир бу шеърларни аввало онасига, кейин эса акасига кўрсатар, уларнинг шеърларига берган таъриф ва мақтовларидан қувониб яшаям илҳомланарди. Унинг акаси Аширмат Эгамназаров ҳам ижод билан ҳамнафас инсонлардан эди. У ҳам шеър ёзиб ўз кўнгил кечинмаларини қоғозга туширарди. Аширмат катта ижод йўлига чиққунча икки мактаб устозларидан: Фирдавсий, Бедил, Хисрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Камол Хўжандий, Аҳмад Донишлардан, шунингдек, замонавий ўзбек шоирларидан Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон каби ижодкорлардан инсоннинг қалб кечинмаларини бадиий ташбеҳлар орқали таърифлашни ўрганди. Кичик ўғил Назармат эса Самарқанд давлат университетида Лутфий, Алишер Навоий, Машраб, Ойбек ва Усмон Носирларнинг ихлосманди бўлиб шоирликни қисматга айлантирди. Унинг 1941 йилда нашр этилган «Ёшлик завқи» тўнғич китоби – тарихи узун, сиймолари кўп ўзбек адабиётига умидли, ўз овозига эга бўлган лирик ижодкорнинг кириб келганидан далолат берди.

Назармат энди ижод бўстонидаги энг сара гулларни узишга бел боғлаган бир паллада юртда иккинчи жаҳон уруши нафаси кезмоқда эди. Шу боис у ҳам бошқа тенгдошлари қатори фронтга отланди, пиёда аскарлар взводи командири сифатида қирғинбарот жангларда иштирок эта бошлади...

Шундан сўнг унинг ижодида ҳарбий ватанпарварлик мавзуси асосий ўринни эгаллади. Бомбалар портласа ҳам, ўқлар ёғилса ҳам Назармат шеър ёзишни канда қилмади. Қалам ва қоғозни ҳар доим ёнида сақлади. Натижада эса нафрат ва муҳаббат туйғулардан ҳарбий лирика яратилди. Жангчи шоир уч бурчакли туморча хатлари ичида жанговар, лирик шеърларини Тошкентга – матбуот саҳифаларида нашр эттириш учун доимий равишда юбориб турди...

Узоқ ўлкаларда аёвсиз жангларда бевосита иштирок этган шоир қалбида бир дунё мавзу туғён урди. Булар қатор ҳарбий очерклар, ҳикоялар, балладалар ва қасидаларга айланди. Натижада «Юракдаги ўқ» достони, «Сайёд жасорати» қиссаси дунё юзини кўрди.

Менинг касбим – Ерга дон ташлаш,
Истагим бор: бу ер, бу олам,
Бўлмасин ҳеч жангда хомталаш,
Дон кўкартсин унда ҳар одам.

Бу сатрлар «Юракдаги ўқ» лирик достонидан олинган. Ушбу достон ўзбек шеъриятида урушга қарши кучли руҳий ҳолат билан ёзилган асар сифатида ўз ўрнига эга бўлди.

Давр довулларидан мардонавор ўтиб, ўз ижодини бойитиб келган отахон шоир Назармат ижодида қасида, баллада, ғазал, рубойи, туюқ, мухаммас ва сонетлар муносиб жой эгаллаган. Унинг кетма-кет чиққан «Ватан ишқи», «Яшил далалар», «Сир бўйи, нур бўйи», «Тоғдаги гулханлар», «Най садоси», «Умр ҳикояси», «Шарқ гули», «Дўстлик қиссаси» номли кўплаб китоблари шеърият мухлисларининг жавонларини тўлдириб, адабиёт оламига тоғлар ҳавосини, лолалар табассумини, баҳор латофатини, ошиқлар ғурурини, дўстлар ташаккурини, азиз инсонларнинг бахтиёрлик туйғуларини, шеърият гулдасталарига ўралган юрак армуғонларини тортиқ этди. Бу эса мухлисларни мамнун қилибгина қолмасдан адабиёт хазинасига муносиб улуш бўлиб қўшилди...

Назармат нафақат таниқли шоир, балки журналист ва таржимон ҳамдир. У урушдан кейинги йилларда меҳнат фаолиятини ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасида мухбирликдан бошлади ва ўзининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий мавзудаги мақолалари билан республика матбуоти саҳифаларини безади. Бу даргоҳда олти йил ишлаб қаламини чархлади. 1954 йилдан бошлаб «Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририятида салкам ўттиз йилга яқин адабий ходим сифатида фаолиятини давом эттирди.

Назармат Шарқ шеърияти устунлари Бедил, Абулқосим Фирдавсий, Хисрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Мирзо Турсунзода, Миршакар ва Ғаффор Мирзо ва бошқа шоирларнинг бир қатор достонлари ва ғазалларини ўзбек тилига катта маҳорат билан таржима қилган таржимон ҳамдир. Унинг таржима соҳасида қилган бундай хайрли ишлари замирида мумтоз форстожик шеърияти дурдоналаридан ўзбек китобхонларини ҳам баҳраманд қилишдек эзгу мақсади бор эди.

Ҳа, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Эл-юрт ҳурмати» ордени ва «Жасорат» медали соҳиби Назармат Эгамназаров узоқ йиллар бир қўлда шоирлик, бир қўлда журналистлик қаламини ушлаб минглаб мухлислари кўнглига йўл топган таниқли ижодкордир. Қалби пок, меҳнатсевар шоир бу йил қутлуғ тўқсон ёшни қарши олди. Шу муносабат билан биз отахон шоирга соғлиқ-саломатлик тилаб, унинг қуйидаги шеърини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ОНА ЭЛ МАДҲИ

Ой порлар юлдузли байроғингда эл,
Темурнинг руҳи бор тупроғингда эл,
Сени ўзгаларга ишонмаймиз ҳеч,
Эркинг деб тепади қалблар эрта-кеч.

Она эл ўзбегим фарзандларингмиз,
Эркингга фидойи посбонларингмиз,
Биз Турон элининг азму мадори,
Асли бир қон-қардош пайванди бари.
Садоқат меҳридан одимлар шаҳдам,
Она эл сен учун жон фидо ҳар дам.

Оламга туташдир мустақил йўлинг,
Ҳамкорлик қадрини улуғлар элинг,
Баҳоринг эркимиз, тақдиримиз у,
Биз уни қўриқлаб яшаймиз мангу.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

16 Қўшиқларда Ватан мадҳи

Шоир Саъдулла Ҳаким қаламига мансуб «Ватан» шеъридаги ватанпарварлик руҳи, мозийга теран назар ва Ватанни энг тоза гулга қиёслаш гўзал ташбеҳларда берилган. Ушбу самимий сатрлар дилингизга қўшиқ мавжини, тилингизга шукроналик туйғусини солса не ажаб.


ВАТАН

Дарддан бино бўлса ҳам асли
Сездирмагай дардларин Ватан.
Дардларига дармон бўлгали
Машраб қилар мардларин Ватан.

Пешонасин Темур силаган,
Камолини Бобур тилаган.
Чўлпон қони билан тўлаган
Чин фарзандлик ҳақларин Ватан.

Ҳақ таоло иноятидан,
Ислом нури ҳидоятидан,
Она халқим ҳимоятидан,
Тоза гулим – настарин Ватан.

Кундай ёруғ юзларим ила,
Зурёд ўғил-қизларим ила,
Ёзай босган изларим ила,
Умр баён дафтарин Ватан.



Ғулом КАРИМ

НАРШАХ ҚАЛЪАСИ

(тарихий романдан парча)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

Ғирдак мўбаднинг ибодатхона яқинидаги ҳовлисига етгач, соғлом қўли билан нақшдор эшикни очди. Чиннидек супириб-сидирилган ҳовли кимсасиз эди. Бир четдаги пастак қўрада сигир ва эчкилар кўринарди.

Сардор ҳовли тўридаги айвон тарафга юрди. Айвоннинг бир тарафида катта-кичик хумлар ун, ёғ, ловия ва бошқа егуликларга тўла, қўшқулоқли лаганда гўшт-ёғ тузлаб қўйилган. Мўбаднинг маишати ёмон эмас, зардуштийлар қурбони етганича унга хайр-эҳсон қилиб туришарди.

Уй ичидан Бидуннинг овози эшитилар, афтидан, у одатдагидек қизига сабоқ бермоқда эди. Сардор айвондан туриб чақирганда, ичкаридан «киравер, Ғирдак» деган овоз келди. Остона ҳатлаб кирганда, ота ва қиз эски бир китобни варақлашар, қизи ўқиётганида хатога йўл қўйса, отаси тузатар ва ҳозир ўқилган жумлани шарҳлаб кетарди.

Ғирдак сўрашиб, девор ёнига тўшалган кўрпачага ўтиргач, Гуландом китобни ёпиб, токчага элтиб қўйди. Бидун сардорга юзланди:

– Хўш, қўлинг қалай?

– Тузук, бойлатиб кетганимда оғриқ қоладур. Аммо бирон иш билан машғул бўлсам, жизиллашни бошлайдур.

– Ахир неча марта айтдим сенга, битгунича ҳеч бир ишга қўл урма, деб, – жавради Бидун. Сўнг Ғирдакнинг ёнидаги бир бойлам ёй ўқи ва ўнг елкасига осилган уч-тўртта камонни кўриб, сўради:

– Булар нима? Овгами, жангтами?

– Машққа, болалар билан ёяндозлик машқлари ўтказамен, – деди Ғирдак. – Ярам биттунича жангчилар билан машқ ўтказишдан озод этилдим.

– Аслида, тузалгунингча болаларга қўшилиб камон ўйнашни ҳам йиғиштирсанг бўларди, – деди Бидун таъна қилгандек ва қизига юзланди: – Она қизим, сен оғангнинг ярасини авайлаб еч. Мен зумда дори ҳозирлаб келамен.

Доимо қўрс ва жаҳлдор мўбад қизига шунчалик меҳр ва навозиш билан гапирдики, Ғирдак қулоқларига ишонмасди. Бидун ҳовлига чиқиб, ўчоққа ўт ёқиб, дўппидек қозончада алланарсаларни бир-бирига аралаштириб қайната бошлади. Гуландом ийманиб Ғирдакнинг олдига келди-да, «ижозат этинг», – дея эҳтиёткорлик билан чап елкасидаги қондан қизғиш тусга кирган докани еча бошлади. Қизнинг майин бармоқлари тегиши билан лўқиллаб турган оғриқ босилгандек бўлди. Гуландом қисқич учидаги латта билан жароҳатни авайлаб тозаларкан, сўради:

– Қизларга ҳам камон отишни ўргатасизми?

Ғирдак мийиғида кулимсиради:

– Болалар кун сайин кўпайиб бормоқда. Энди қизлар ҳам қўшилса эди! Ҳа-я, Ҳашвий оғанинг хотини Шодиябегим аёллар бўлукини тузаётибди. Ҳарб ишига қизиқсанг, сен ҳам шу бўлукка кирақол.

– Хабарим бор, аммо Шодиябегим олдин ёяндозлик, чавандозлик ва шамшир уришда имтиҳон қилиб, сўнг оладур ўз бўлукига. Мен бирини-да билмасмен. Агар сиз ўргатсангиз...

Ғирдак қизнинг овозидаги илтижо ва уманчга дош беролмади.

– Оббо, майли, ўргатсам ўргата қолай. Машқларимиз ҳар куни ғарбий дарвоза ташқарисида бўлур. Ибодатхона ва уйинг юмушларидан бўшаганингда бемалол ўтавер. Отангдан ижозат сўраб, албатта.

Сирли косаларда қайнатилган дори олиб кирган Бидун ярага хуш ёқадиган малҳам суриб, устидан шифобахш гиёҳлар қўйди-да, қайта бойлади.

Ҳовлида куймаланиб юрган Гуландом иккита сопол косада қайноқ сут олиб кириб, отаси ва Ғирдакка узатди. Ғирдак тортишувни чўзиш бефойда эканини англаб, ўрнидан турди ва совуққина хайрлашиб, ташқарига чиқди. Мунозара узилганидан дарға қолган Бидун чинқироқ овоз билан орқасидан қичқирди:


– Барибир сени ва бошқа сардорларни ўзимнинг ҳақлигимга инондирурмен!

Ғирдак: «ўз динидан бошқа ҳеч нарсани тан олмайдиган абушқа[1]» – деб ғижиниб қўйди-да, қалъа дарвозаси сари йўл олди. Бугун Наршахда биринчи қор учқунлаб, ерга тушар-тушмас эриб кетди. Лекин қўрғошин тусли булутлар ҳамон осмонни эгаллаб, қуёшни кўрсатмас эди. Яқиндаги зафардан сўнг шуҳрати ўн баравар ошган сардорга йўлда дуч келганлар, айниқса, бандиликдан халос бўлганлар – уларнинг аксарияти қишлоқларига қайтмасдан жангчи бўлишди – чуқур таъзим қилиб, ўтиб кетгач ҳам анчагача қўлларини кўксиларидан олмас эдилар. Ватан эркигина мусулмонга ҳам, зардуштийга ҳам эркинлик бахш этишини кўпчилик англаб етмоқда. Шунга қарамай сардорнинг мўбад хусусидаги маҳзун хаёллари кўкдаги булутлар янглиғ ҳадеганда тарқаб кета бермас эди. Агар бу ўжар мўбад вақтида жиловланмаса, қўзғолончилар орасига рахна солиб, катта зиён етказиши шубҳасиз.

Одамзот табиати сир-синоатга тўла. Онгига бирон дин ақидалари сингган киши бошқа динни қабул этмоғи осон эмас. Сиртдан янги динга ўтганида ҳам ботинида олдинги диннинг таъсири устун бўлади. Ғирдакнинг отаси ғиждувонлик деҳқон эди. Жузя тўлаш ва бошқа тазйиқлардан безор бўлиб, исломни қабул қилган, масжидга бориб намоз ўқир, шу билан бирга, уйида зардуштийлик амалларини ҳам бажарар, уларни тўхтатса, аждодлар руҳи безовта бўлишидан чўчирди. Қалбидаги икки дин курашида алал-оқибат ислом ғалаба қозонган бўлса керакки, ўлими олдидан мусулмонлар одатига кўра дафн этишни ўғлига васият қилди.

Исломни қабул қилиш ҳам халифа қўл остидаги Мовароуннаҳр аҳолисининг аҳволини ҳадеганда енгиллатмади. Хирож миқдори инсоф ва адолат чегарасидан ўтиб кетганда, зардуштийлар кўтарган исёнларга мусулмонлар ҳам қўшилиши одатий тус олди. Халифанинг волий ва саркардалари исёнкор мусулмонларни диндан қайтган муртадлар, деб эълон қилишар, зардуштийлардан ҳам аёвсиз жазолар эдилар.

Тинимсиз уруш ва исёнлар оқибатида экинзорлар камайиб, ғалла танқис бўлиб қолгач, хирож қуролли лашкар ёрдамида йиғиб олина бошлади. Улар кўпинча деҳқонга ҳеч вақо қолдирмасдан, уруғлик донгача тортиб олишарди. Бундан зада бўлган деҳқонлар ҳосилни йиғар-йиғмас қишлоқларидан қочиб, дон-дунни бирон ёққа яшириб, бола-чақасининг ризқини сақлаб қолишга тиришардилар.



Хирож тўлашдан бўйин товловчиларга халифа ноиблари кўз кўриб, қулоқ эшитмаган чоранн қўллай бошладилар...

Бўйчан ўспирин Ғирдак отаси билан бирга экиб парваришлаган буғдой олтиндек сарғайиб пиша бошлаганди. Ўрим арафасида ҳар йилгидек солиқчилар қишлоқ оралади. Ғирдакларнинг ерига ҳам разм солиб, ҳосилни чамалашди. Солиқчилар битикчиси юпқа қўрғошин лавҳага отасининг исми ва қишлоқ номини ўйиб ёзди. Сўнгра қўрғошин тешигидан ингичка мис занжир ўтказиб, отасининг бўйинига осиб қўйишди. Занжирнинг икки учини бириктириб кавшарладилар.

– Хирожни тўлаганингдан кейин ечиб оламиз, – деди солиқчилар бошлиғи. – Узиб ташласанг, зиндон қилинасен. Номинг хатга тушган.

Умри бино бўлиб, бундай таҳқирни кўрмаган деҳқоннинг бўйинини занжир куйдираётгандек туюларди.

– Мусулмонга ит каби бўйинбоғ осиш қайси таомилда бор? – деди у ғазабини яширмай. – Бундан кўра зардуштийликка қайтиб, зуннор тақиб юрганим афзал-ку!.

– Бу зарурий чора, – деди солиқчилар бошлиғи пинагини бузмай. – Хирожни тўламай, бор ҳосилни яшириб қочадиганлар кўпайиб кетди. Диндан қайтамен, деб дағдаға қилмагинки, унда бўйнингга занжир эмас, шамшир урилур.

– Хирож бу қадар оғир бўлмаганида деҳқонлар ўз ери ва уйини ташлаб қочармиди?

– Овозингни ўчир, даюс! Бу занжирни осиш халифаи замон Абужаъфар Мансур ҳазратларининг фармонидур. Амиралмуслимин лашкарига озиқ-овқат, отларига ем керак. Деҳқон машоқ териб ҳам кун кўра берадур.

– Халифага Давониқий деб лақаб қўйишгани бежиз эмас экан[2], – деган эди шунда отаси кесатиқ билан.

– Сен амиралмуслимининг муборак номларига тил текизгингми ҳали?! – бақирди солиқчилар бошлиғи. – Савалаб, эсини жойига келтириб қўйинг бунинг!

(Давоми бор).

Изоҳ:

1. Абушқа – қари чол.

Аббосий халифа Абужаъфар Мансурни (мил. 754 – 775 йиллар) мол-дунёга ҳарис бўлгани учун «Давониқий» лақаби билан аташган. «Давоник» – майда чақа «доник» нинг кўплик шакли.

Ўзбек киноси

«КИНОШОК-2007» ЛАУРЕАТИ

Кўчаларимизда яқиндагина пайдо бўлган ёркин афишаларда маълум қилинишича, тез орада юртимиз кино экранларида режиссёр Аюб Шаҳобиддиновнинг «Ўтов» номли янги бадиий фильми намойиш этилади. Ҳали асар премьераси бўлиб ўтмаганлигига қарамай, яқинда Анапа шаҳрида ташкил этилган МДҲ, Латвия, Литва ва Эстония мамлакатлари киноижодкорлари томонидан яратилган фильмларнинг «Киношок-2007» деб номланган очиқ кинофестивалида таниқли ўзбек киноактёри Нозим Тўлахўжаев «Ўтов» фильмида талқин этган энг яхши эркак роли учун махсус мукофотга сазовор бўлди.

– Бу ижтимоий-фалсафий картинада сюжет йўналиши оталар ва фарзандлар ўртасидаги можаролар асосига қурилган, – деб ҳикоя қилади Н. Тўлахўжаев. – Менимча, ушбу мавзу ҳозирги кундаги энг долзарб мавзулардан биридир.

Фильмнинг бош қаҳрамони чўпон Убай – жадидлар авлодидан. Оммавий қатағонлар даврида у деярли барча яқинлари ва қариндошларидан айрилади. Оғир давр шароитида одамлар орасида ўз ўрнини топа олмаган Убай ўғли билан бирга узоқ тоғларга чиқиб кетади. Бу билан фильмнинг бош қаҳрамони ўз фарзандини, яъни яккаю ёлғиз қадрдонини ўша вақтдаги цивилизация ва дунёвий ҳаёт васвасаларидан ҳамда мураккабликларидан сақлаб қолмоқчи бўлади. Аммо ўғил эскича, патриархал қонун ва тартиблар асосида яшовчи отасига бўйсунмайди. Ота эса инсон ҳаётидаги энг муҳим жиҳатлардан бири – бу унинг иродаси эканлигини тушунмайди. Асарнинг бутун драматик кечинмалари ҳам айнан шулар билан боғлиқ.

– Фестивалнинг конкурс дастурида 25 та фильм намойиш этилди, – деб давом этди Н. Тўлахўжаев. – Демак, рақобат ҳам шунга яраша кучли бўлди. Мен, ўзбекистонлик актёрнинг энг яхши эркак роли учун таъсис этилган мукофот билан тақдирланишим мазкур фильмимиз томошабинлар ва кинотанқидчилар томонидан юксак баҳога сазовор бўлганидан далолат беради.

Н. Тўлахўжаев кўп қиррали қобилият соҳибларидан. Актёрлик фаолияти билан шуғулланишдан ташқари, у бир вақтнинг ўзида «Ўзбекфильм» ОАЖга қарашли мультфильмлар уюшмасининг бадиий раҳбари, мультфильмлар режиссёри, уларга сценарийлар ёзувчи муаллиф ҳамдир. У бастакор ва рассомлар билан яқин алоқалар ўрнатган. Унинг «Қуш» деб номланган янги фильми «Анимаевка-2007» анимацион фильмлар ўнинчи халқаро фестивалининг конкурс танловида муваффақиятли иштирок этиб, бошқа 40 та фильмлар орасида алоҳида эътирофга сазовор бўлди ва диплом билан мукофотланди. Мазкур мультфильмда кулолнинг шогирди бўлган бола ҳақида ҳикоя қилинади. У доим хумчалар ўрнига қушчалар ясар эди. Бу эса уста кулолнинг ғазабини қўзғатар ва у ҳар куни шогирди ясаган қушчаларни синдириб ташларди. Аммо кунларнинг бирида болакай ясаган қушчаларга жон кириб, улар болани узоқ ўлкаларга ўзлари билан бирга олиб кетишади...

Н. Тўлахўжаев эришилган натижалар билан чекланиб қолмайди. Ўз маҳоратини тўхтовсиз такомиллаштириб бораётган юқори қобилият соҳиби санъат оламининг янги ва янги қирраларини ўзлаштириб бормоқда. Яқин орада эса таниқли режиссёр Зулфиқор Мусоқов асари бўйича саҳналаштирилаётган спектакль томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади ва унда Н. Тўлахўжаев ҳам бевосита иштирок этади.

С. ПЎЛАТОВ.

Сотрудники Центра духовности и просветительства Министерства обороны Республики Узбекистан, сослуживцы и друзья выражают искренние соболезнования начальнику Центра майору Аблаеву Д. Ш. в связи с кончиной его отца

АБЛАЕВА
Шевкета Изетовича.

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Шуҳратбек Маҳамматович ҲОШИМОВ, майор Хайритдин Нуритдинович ЗАЙНИЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Владимир Кузнецов** ва **Роберт Ислакаев** томонидан саҳифаланди. Дизайн ва рассом – **Наталья Лаптева.**
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. **Буюртма** № G-4266. **Адади** 23600.